

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК (МАМЛАКАТЛАР ВА
МИНТАҚАЛАР БЎЙИЧА)
ЙЎНАЛИШИ**

**«ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ »
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил _____ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: Исмаилова Н.С. – ТДИУ, “Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси мудири, доцент, иқтисод фанлари номзоди

Хасанов Т.А. – ТДИУ, “Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

Тақризчи: Зокирова С.А. – ЖИДУ, “Халқаро иқтисодий муносабатлар” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил _____даги __-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	10
III. Назарий материаллар.....	16
IV. Амалий машғулот материаллари.....	46
V. Кейслар банки.....	50
VI. Мустақил таълим мавзулари	52
VII. Глоссарий.....	55
VIII. Адабиётлар рўйхати	68

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмuni олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз чиқишлирида ва қарорларига айнан шу масалага катта эътибор қаратмоқдалар: “Ўтказилган таҳлиллар педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларида халқ таълими ва олий таълим тизимлари ўртасида узлуксизлик ва узвийлик таъминланмаганлигини кўрсатди. Натижада умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари фаолияти давомида фанларни ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия назарияси янгиликларидан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан, илғор хорижий тажрибалардан бехабар қолмоқдалар.”¹

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг

¹ Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг карори. 26.09.2017 йил.

касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Халқаро иқтисодий интеграция” модулининг **мақсади** жаҳон иқтисодиётига оид назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш, дунёда содир бўлаётган интеграция жараёнлари, жаҳон мамлакатларини иқтисодий интеграциялашуви, иқтисодий интеграциялашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш ва баҳолаш, иқтисодий ривожлантириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобланади.

“Халқаро иқтисодий интеграция” модулининг **вазифалари**:

- “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Халқаро иқтисодий интеграция” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жаҳон мамлакатларининг иқтисодий интеграциялашуви жараёнлари ва келиб чиқиши сабаблари, интеграция жараёнларини таснифланиши ва уларнинг ижтимоий-иктисодий тавсифлари, интеграция муносабатларнинг асосий шакллари ва замонавий хусусиятлари, жаҳон хўжалигининг интеграциялашуvida Ўзбекистоннинг ўрни ва роли борасида **билимларига эга бўлиши**;

Тингловчи:

- иқтисодий интеграция жараёнлари ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги истиқболларини баҳолаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- жаҳонда содир бўлаётган интеграциялашув жараёнларига оид илмий семинарларни ўtkазиш ва маслаҳатларни бериш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Халқаро иқтисодий интеграция” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўкув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий хужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий хужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий интеграциялашуви хусусиятлари, босқичлари ва ривожланиш тенденциялари, интеграциялашуви шароитида инвестицион фаолият орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш каби ўйналишларда назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикаиз миллий иқтисодиётидаги ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу ўйналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			жами	Назарий	Амалий машнулот	Кўчма машнулот			
1.	Глобаллашув даврида жаҳон хўжалигида интеграцион жараёнларни ривожлантириш шарт-шароитлари	6	8	2	4				
2.	Мамлакатлараро интеграцион ҳамкорлик ривожланишининг объектив омиллари ва босқичлари	8	8	4	4				
3.	Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви йўналишлари	14	10	4	6	2	2		
	Жами:	28	26	10	14	2	2		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Глобаллашув даврида жаҳон хўжалигида интеграцион жараёнларни ривожлантириш шарт-шароитлари (2 соат)

Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмун-моҳияти, глобаллашув жараёнида иқтисодий интеграциянинг тутган ўрни ва аҳамияти, иқтисодий интеграциянинг содир бўлиш йўналишлари, иқтисодий интеграция ва глобаллашувнинг ривожланиш босқичлари.

2-мавзу. Мамлакатлараро интеграцион ҳамкорлик ривожланишининг объектив омиллари ва босқичлари (4 соат)

Интеграцион жараёнларнинг таърифланиши, интеграцион гурухлар типологияси, ТМКлар халқаро капитал бозоридаги ўрни ва иштироки, эркин савдо ҳудудининг ўзига хос жиҳатлари, божхона иттифоқининг ўзига хос жиҳатлари, ТИФни давлатлараро тартибга солиниши.

3-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви йўналишлари (4 соат)

Мамлакатнинг интеграцион салоҳияти тушунчаси, Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти, Ўзбекистонда иқтисодий интеграция тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари, Ўзбекистонда иқтисодий интеграция жараёни билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Глобаллашув даврида жаҳон хўжалигига интеграцион жараёнларни ривожлантириш шарт-шароитлари (4 соат)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмун-моҳияти.
2. Глобаллашув жараёнида иқтисодий интеграциянинг ўрни ва аҳамияти.
3. Иқтисодий интеграциянинг содир бўлиш йўналишлари.

Калит сўзлар: интеграция, иқтисодий интеграция.

2-амалий машғулот.

Мамлакатлараро интеграцион ҳамкорлик ривожланишининг объектив омиллари ва босқичлари (4 соат)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Интеграцион жараёнларнинг таърифланиши.
2. Интеграцион гурӯҳлар типологияси.
3. ТИФни давлатлараро тартибга солиниши.

Калит сўзлар: интеграцион жараёнлар, интеграцион гурӯҳлар, трансмиллий компаниялар, ташқи иқтисодий фаолият.

3-амалий машғулот.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви йўналишлари (6 соат)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти.
2. Ўзбекистонда иқтисодий интеграция тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари.
3. Ўзбекистонда иқтисодий интеграция жараёни билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари.

Калит сўзлар: интеграцион салоҳияти, иқтисодий интеграция тузилмалари, интеграция муаммолари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра сұхбатлари** (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

- **бахс ва мунозаралар** (войихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли сұхбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига дикқатларини қаратса олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъзуза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тақдимот тайёрлаш	1,0	Мустақил иш тарзида ҳар бир тингловчи белгиланган мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлайди – 1,0 балл
2.	Кейс топширигини бажариш	1,5	Мавжуд амалий вазиятдан кейс – 1,5 балл
	Жами	2,5	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар мухитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлади, тушунчалар тавсифини аниқлади, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳуносалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустакил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив қўнималарни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гурӯҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гурӯҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Ҳар бир гурӯҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар

График ташкил этувчи тури, аҳамияти ва хусусиятлари

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ




- мустакил ўқиш, маъруза тинглаш жараённада олинадиган маълумотларни бир тизимга келтиришга имконият яратади.
- Олдиндан олинган маълумотни янгиси билан ўзаро боғлаш қобилиятини шакллантиришга имкон беради.

Ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнининг таркиби тузилмаси


Инсерт жадвали таркиби ва уни тўлдириш қоидаси билан танишади. Шахсан уни расмийлаштиради.

Ўқиши вактида олинган маълумот якка тартибда тақсимланади: матнда белги қўйилган мос равишда жадвал устунларига “жойлаштирилади”:

- V – “...” ҳакида олинган билим (маълумот)га мос келади;
- “...” ҳакидаги билимга қарама-карши;
- + – янги маълумот саналади;
- ? – тушунарсиз, қўшимча маълумот талаб қилинади.



Вени диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниң муваффақияти ташкилотга боғлик бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлик бўлади. Уни қўллашда элементларини қуидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва групда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва групда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва групда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш

мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳациз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Глобаллашув даврида жаҳон хўжалигида интеграцион жараёнларни ривожлантириш шарт-шароитлари

Режа:

- 1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмун-моҳияти.**
- 2. Глобаллашув жараёнида иқтисодий интеграциянинг ўрни ва аҳамияти.**
- 3. Иқтисодий интеграциянинг содир бўлиш йўналишлари.**

Таянч иборалар: интеграция, иқтисодий интеграция.

Глобаллашув XX-XXI асрларда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишдаги энг асосий жараёнларидан бири бўлиб, хўжалик ҳаёт байналминаллашувининг янги ҳисобланади.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси, халқаро меҳнат тақсимоти, ташқи савдо ва халқаро иқтисодий муносабатлар натижасида миллий иқтисодиётларни ўзаро алоқаси ва бир бирига боғлиқлиги кучаймоқда. Ташқи омилларни ҳисобга олмасдан давлатларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин эмас.

Маълум бир давлатларнинг иқтисодиётлари бир-бирига боғлиқлиги кучайиши, халқаро иқтисодий муносабатларни миллий иқтисодиётларга таъсирини ортиши, мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги иштироки хўжалик фаолиятни байналминаллашуви деб аталади. Иқтисодиёт байналминаллашуви бир қатор босқичларини босиб ўтган бўлиб, дастлабки босқичи халқаро иқтисодий ҳамкорлик ҳисобланади ва бунда ташқи савдонинг вужудга келиши (XVIII аср охирлари ва XX аср боши) билан боғлиқ. Халқаро ва давлатлар ўртасидаги хўжалик алоқаларнинг меъёрий ривожланиши, қайта ишлаб чиқариш жараёнининг миллий чегаралардан ташқарига чиқиши халқаро иқтисодий ҳамкорлик деб тушунилади.

Кейинги босқичи халқаро иқтисодий интеграция деб юритилади. Бу халқаро меҳнат тақсимотнинг чуқурлашиши, капитал ҳаракатининг байналмилаллашуви, илмий-техник ривожланиш глобал характерга эга бўлганлиги, очиқ миллий иқтисодиёт ва эркин савдо даражаси ортиши билан изоҳланади. Интеграция сўзи лотин тилидан (*integratio*) олинган бўлиб, маълум бир қисмларнинг умумлашиши, ягона бир шаклга келиши ва бирлашишини англатади. Мамлакатларнинг миллий иқтисодиётлари ўзаро яқинлашиб, бир-бирига бирлашиши ҳамда байналминаллашув жараёнида ягона бир ишлаб чиқариш тизимида фаолият юритиши халқаро иқтисодий интеграция деб аталади.

Иқтисодий интеграция қуйидагиларда намоён бўлади:

- турли мамлакатларнинг миллий хўжаликлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда уларнинг тўлиқ ёки қисман умумийлашиши;

- мамлакатлар ўртасида товар, хизмат, капитал ва ишчи кучи харакатидаги тўсиқларни бартараф этиш;
- ягона бозор яратиш мақсадида маълум бир давлатлар бозорларининг яқинлашуви;
- турли мамлакатларга тааллуқли бўлган иқтисодий субъектлар ўртасидаги фарқни йўқ қилиш;
- ҳар бир мамлакатда иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи чет эл субъектларини камситишга йўл қўймаслик.

Иқтисодий интеграция жараёнлари икки томонлама, худудлараро ва глобал шароитда бўлиши мумкин. Ҳозирги вактда интеграцион бирлашмаларнинг энг асосий хусусиятлари бу худудий даражада ривожланиши ҳисобланади. Давлатлараро бошқарув тизимини жорий этган ҳолда, якка умумий минтақавий хўжалик мажмуи ташкил этилмоқда. Ҳозирги босқичда халқаро алоқалар тизимининг барча жабҳаларида изчил ўзгаришлар содир бўлмоқда. Унинг асосий сабаби глобаллашув жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда мутахассислар орасида интеграциялашув жараёнларига нисбатан ятона нундаи назар йўқ. Иқтисодчиларнинг бир груҳи интеграция жараёнида мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларини шакллантириш ҳисобига "ресурсларнинг чекланганлиги" омилини еигишини энг муҳим хрл деб биладилар ва бу алоҳида олинган бир мамлакат ичидаги бир-бирига ўхшаш қимматроқтоварлар ишлаб чиқаришни бартараф этиш ёки илмий-тадқиқрт ҳамда тажрибаконструкторлик ишларига сарфланадиган воситаларни тежаш имконини берадиган технологик ўзаро алмашувларни кенгайтиришга имкон туғдиради деб ҳисоблайдилар.

Олимларнинг бошқа груҳи устунлик қилувчи шарт-шароитлар сифатида ташқи иқтисодий омиллар, масалан, коллектив мудофаа қобилиятини оширишни илгари сурадилар. Учинчи груҳ олимлар эса, интеграцион груухлар тузилиши бу уларнинг аъзоларига ишлаб чиқаришнинг бирдик ўсиши, ижтимоий барқарорлик ва шаклий мақсадларга осон ҳамда тезроқ эришиш имконини беради деб ҳисоблашади. Интеграцияга нисбатан бу ва бошқа назарий ёндашувларини умумлаштириб, шуни таъкидлаш жоизки, интеграция-минтақавий миқсса сифат жиҳатидан янги иқлисодий муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик мажмуаларининг яқинлашуви ва чатишиб костишидан иборат.

XXI асрда жаҳон хўжалиги бозор иқтисодиёти тамойиллари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятлари, ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилал-дашувига асосланади. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари савдо, ишлаб чиқариш ва кредит-молия соҳасининг бирлашганлик деражаси халқаро хўжалик мажмуаси (комплекси) шакланаётганлигининг белгиси бўлиб химзат қиласи. Ўз моҳиятига қўра, жаҳон хўжалиги факат бир хил эмас, балки тобора байналмилал тус олмоқда.

Хўжалик хаётининг байналмилаллашуви авваламбор, ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациялашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши,

яъни халқаро миқёсда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий хусусияти ривожланиши натижасидир.

Хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги глобаллашув жараёни ишлаб чиқариш ва капитал интеграциялашувиning қонуний натижасидир. Глобаллашув сезиларли даражада жаҳон хўжалиги алоқалари миқёсининг ўсиши, доираси кенгайишининг миқдорий жараёни сифатида намоён бўлади. Жаҳон хўжалик жараёнларининг интеграциялашуви ва глобаллашуви амалда ҳар бир давлат учун фақат "ўз ишлаб чиқаришига" эга бўлиш фойда бермайдиган бўлиб қоладиган вазиятни келтириб чиқаради.

Баъзи миллий иқтисодиётлар ўз заминини топишга интилиб, жаҳон хўжалиигига тобора кўпроқ қўшилиб бормоқда. Жаҳон хўжалиги иш кучининг айланиши, кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни ўзаро айрибошлиш ўсиб борган сари байналмилал тус олмоқда. Жаҳон хўжалик алоқалари шаклланиши ва ривожланишининг истиқболлари халқаро жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияси сайёрамиз миқёсида товарлар, капиталлар ва хизматларнинг ягона бозорини яратишга, алоҳида мамлакатларнинг иқтисодий яқинлашиши ва яхлит халқаро хўжалик комплексига бирлашишига интилишда намоён бўлишини кўрсатади. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқача, анча юқори босқичи ҳисобланади.

Интеграциявий тузилмаларни ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувида эришилган даражасига қараб ажратиш лозим. Бунда интеграциялашув ҳам расмий, ҳам реал хусусиятга эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Расмий интеграция каби, расмий интеграциялашув ҳам ишлаб чиқаришни шундай халқаро умумлаштиришдан иборатки, унинг асосида мамлакатлар ўртасидаги Иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимоти асосида ўрнатилади. Бу меҳнат тақсимоти эса, ўзаро алоқада бўладиган мамлакатлар ишлаб чиқариши ривожланишининг тегишли ўлчамларидан келиб чиқилмайди. Ишлаб чиқаришнинг хапқаро кооперациялашуви ривожланавериши, лекин унинг иштирокчилари якуний натижаларга таъсир қилмайдиган турли иқтисодий шароитларда бўлиши мумкин.

Иқтисодий интеграция, ўз навбатида, иштирокчи мамла-катларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ўлчамларини жадаллаштириш учун шароит яратади. Иқтисодий интеграцияга олиб келадиган жараёнларни қуидидаги ўзаро боғланган занжир кўринишида ифодапаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва капитапнинг интеграциялашуви, иқтисодий интеграция.

Жаҳон хўжачигидаги интеграциявий жараёнларни ривожлантириш бўйича тўпланган тажриба иқтисодий интеграциянинг юзага келиши ва ривожланишида тўртта босқичдан ўтиш зарурлигидан далолат беради.


Глобаллашув байналминаллашувиning энг юқори босқичи бўлиб, шу нуқтаи назардан бу фақатгина инсон ва товарлар ҳаракатининг ўсишигина эмас, балки билимлар ва маълумотлар алмашувига асосланади. Глобаллашувга

атрофлича ёндашган ҳолда, аҳолининг эркин миграцияси, товар ва хизматлар, технология ва маълумотларнинг тўсиқсиз эркин ўтиши, инвестициялар ҳажмининг кенгайиши, ҳудудий ва ихтисослашган бозорларнинг ўзаро байналминаллашуви, экологик, демографик муаммоларни долзарб масалага айланганлиги тушунилади.

Иқтисодий интеграция ва глобаллашувнинг ривожланиш босқичларини 1.1-расмда қўриш мумкин. Ушбу расмда жаҳон иқтисодиётининг бир қатор байналминаллашув жараёни қисқартирилган. Ушбу схемадаги жараён маълум даражада абстракт бўлиб, унда «хўжалик ҳаётдаги байналминаллашув», «халқаро иқтисодий ҳамкорлик», «халқаро иқтисодий интеграция», «глоаблизация» каби тушунчаларни қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Иқтисодий интеграция глобаллашув жараёнларининг асосини ташкил этади. Трансмиллий корпорацияларнинг аксарияти учун жаҳон ягона бир бозорга айланган. Кўпгина ҳудудлар улар иқтисодий фаолият юритиши учун очиқdir. Кўпгина олимлар фикрига кўра, ҳеч қандай жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа жараён ёки ҳаракатларни глобаллашувдан чегаранланган ҳолда, атрофлича кўриб чиқиб бўлмайди. Юқорида таъкидланганидек, халқаро алоқаларнинг глобаллашуви жамият ҳаёти ҳамда фаолиятидаги турли соҳа ва жабҳаларни бир-бирига таъсир этиши ҳамда боғлиқ бўлиб қолишининг кучайётгани тушунилади.

Глобаллашув – бу иқтисодий-ижтимоий янгиликлардаги энг ёрқин тараққиётнинг кўриниши ҳисобланади. Глобаллашув ўзининг бошланғич босқичида барқарор ривожланишга янги хавфларни вужудга келтирди. Бу таҳдидлар бир қарашда Фарбий давлатлардан ташқари бошқа давлатларга тааллуқли бўлиб кўринади, аслида бу ер юзидаги барча инсониятга хавф туғдиради. Бу эса жаҳонда содир бўлаётган барча воқеа ходисалар ҳамда жаҳон тизимини барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ҳаракатларда инсониятнинг масъулиятини оширишга чақиради.



1.1-расм .Хўжалик фаолиятнинг байналминаллашув босқичлари

Глобаллашув жаҳон хўжалигида барча ҳудуд ва соҳаларни ўз ичига қамраб олгани сабабли миллий хўжалик ривожланишидаги ташқи ва ички омилларни ўзгартириб биринчисининг фойдасига ҳал этади. Ишлаб чиқариш омиллари, технология ва капиталга талаб мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда, ҳеч қандай мамлакат миллий иқтисодиётининг ҳажми (йириқ, ўрта, кичик) ва ривожланганлик даражасидан (ривожланган, ривожланаётган ёки ўтиш давридаги) қатъий назар ўзини етарлича таъминлай олмайди. Жаҳон хўжалиги фаолиятидаги асосий иштирокчиларнинг ҳатти-ҳаракати ва олиб бораётган сиёсатини ҳисобга олмасдан ҳеч бир мамлакат ўзининг иқтисодий ривожланиш стратегиясини мақсадли шакллантириб амалга ошира олмайди.

Глобаллашув тушунчаси кўпгина иқтисодий адабиётларда учрайди. Лекин ҳеч бирида ушбу терминга аниқ ва тўлиқ маълумот берилмаган. Адабиётларда муаллифлар турлича талқин қиласидар.

Калифорния университети социологи, профессор М.Кастельс глобаллашувни «янги капиталистик иқтисодиёт» деб таъриф бериб, унинг қуидаги асосий кўринишлари келтирган: информация (маълумот), билим ва информацион технология ишлаб чиқариш даражаси ҳамда рақобатни ўсишининг асосий манбаи ҳисобланади.

Бугунги кундаги барча учун талаб эркин ва самарали тадбиркорлик фаолиятини олиб бориши, ягона товар ва хизматлар, капитал, иш кучи бозорини ташкил этиши, мамлакатларни битта жаҳон иқтисодий хўжалиги мажмуига бирлаштириш учун глобал иқтисодий, ҳукуқий, информацион ва маданий муҳит яратишдан иборат.

Тўғри, ҳақиқатдан биз ҳозир ва яна ўн йилдан кейин ҳам глобал бозор яратади олмаймиз. Глобал бозор яратишга турли сиёсий сабаблар таъсир этади. Капитал айланмаси ва савдо тизимини умумийлашуви ягона иқтисодий хўжалик муҳитини ташкил этмади. Жаҳон иқтисодиётининг тизими 200 данортиқ мамлакатнинг миллий хўжаликларини ўз ичига олиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятига эгалиги туфайли ривожланиш барқарор бўлмайди. Ривожланаётган мамлакатлардаги ярмидан кўп аҳоли ёпиқ иқтисодиётли тизимда истиқомат қилиб, халқаро иқтисодий муносабатларда бевосита қатнашмаяптилар. Шу билан бир қаторда халқаро иқтисодиётда иккита тизим мавжуд: халқаро ва ўзини ўзи қопладиган иқтисодиёт бўлиб, иккинчи турдаги иқтисодиётнинг жаҳон хўжаликдаги аҳамияти босқичма-босқич қисқармокда.

Технологик нұқтаи назардан, мамлакатлар орасидаги фарқ ошғанлиги сабабли жағон иқтисодий мұхити хилма-хиллигіча қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда технологиянинг 4-5-авлоди бўлса, ривожланаётган мамлакатларда 2-3- авлоди, лекин қолоқ ёки ўтиш давридаги мамлакатларда саноат даврининг бошидаги технологиялар фойланим оқида. Ривожланган мамлакатлар юқори технологияларга әгалиги сабабли илм талаб этадиган товар ва хизматларни, паст ва ўрта даражада ривожланган мамлакатларга экспорт қилиб, катта фойда олмоқда.

Бугунги кунда хўжалик мұхитининг хилма-хиллиги жағон иқтисодий ҳудудидаги глобаллашув жараёнларни келажакдаги ривожланишига ҳалақит берадиган ҳал этилмаган масала бўлиб қолмоқда.

Глобаллашувнинг иқтисодиётдаги асосий белгиси интеграция ва автономизация жараёнларнинг уйғунлашишидир. Бу «Нейсбитт парадокси», «Иқтисодиётнинг глобаллашув даражасини кучайиши сари, ундаги кичик қатнашувчилар шунчалик кучли» деган китобларда ўз аксини топади⁴. Дж. Нисбитт фикрига кўра, ушбу жараён бир томондан сиёсий мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, иккинчи томондан иқтисодий уюшма ва бирлашмалар ташкил этилишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, глобаллашувнинг парадоксига кўра, жамиятнинг ички муносабатлари қанчалик бой ва бақувват бўлса, шунчалик унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси юқори бўлади. Улар ички ресурсларни оқилона ва мақсадли ишлатсалар, шунчалик интеграцион алоқаларнинг имкониятларидан фойдаланадилар ва глобал бозор шароитига мослашадилар.

Хозирги даврда жағон иқтисодий ривожланишининг энг мұхим ўзига хос хусусиятларидан бири – турли мамлакатлар ва хўжалик минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиб бориши ҳисобланади.

Жағон хўжалиги узоқ даврлар мобайнида шаклланиб ва ривожланиб келди. Манбаларда унинг тўртта босқичи ажратиб кўрсатилади:

Биринчи босқич ишлаб чиқаришнинг саноатлашувидан олдинги даврда вужудга келиб, дастлаб ўша даврдаги кишилар жамоалари ёки қабилалари ўртасида пайдо бўлган савдо айирбошлишуви кейинчалик товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан турли мамлакатлар ўртасидаги доимий товар алмашуви – халқаро савдонинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди.

Иккинчи босқич ишлаб чиқаришнинг саноатлашув даврига тўғри келиб, иирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва тадбиркорларнинг кўпроқ фойда олишиши ташқи савдони деярли барча миллий хўжаликларнинг таркибий қисмига айлантириб қўйиши натижасида XVIII-XIX асрларда ривожланган жағон бозори пайдо бўлди.

Учинчи босқич XIX-XX асрларга тўғри келиб, бу даврда жағон хўжалиги тизими шаклланди.

Тўртинчи босқич XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, яъни кўплаб мустамлака мамлакатларнинг сиёсий қарамликдан озод бўлиши натижасида замонавий жағон иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришларнинг янги

тенденцияларини пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу тенденциялар қуидагилардан иборат:

- иқтисодий манфаатдорлик асосидаги халқаро ҳамкорлик;
- ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви;
- жаҳон миқёсидаги бозор маконларининг кенгайиши;
- жаҳон хўжалиги алоқалари мажмuinинг ривожланиши.

Демак, жаҳон хўжалиги – *бу халқаро меҳнат тақсимоти, савдо-ишлаб чиқариши, молиявий ва илмий-техникавий алоқалар орқали бирлашган турли мамлакатлар хўжаликлари тизими*дир.

Жаҳон хўжалиги субъектлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- ўз ичига халқ хўжалиги мажмуини олувчи давлат;
- трансмиллий корпорациялар;
- халқаро ташкилот ва институтлар;
- миллий иқтисодиёт чегарасидан чиқсан, хўжалик барча соҳалари таркибидағи фирмалар.

Жаҳон хўжалиги миллий хўжаликдан ягона жаҳон бозорининг мавжудлиги билан фарқланади. Жаҳон бозорининг амал қилишига ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати аҳамиятли таъсир кўрсатади. Жаҳон бозорининг ўзига хос хусусияти жаҳон нархлари ва халқаро рақобат тизимининг амал қилиши ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигига ҳар бир ўзгаришлар (жаҳон бозоридаги нархлар ҳаракати ва алоҳида мамлакатнинг экспорт имкониятидан тортиб дунё иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ва халқаро монополиялар фаолиятигача) дунёдаги барча мамлакатлар манфаатини ўзига тортади. Мамлакатнинг савдо, ишлаб чиқарish, валюта-молия соҳаларидағи жаҳон тамойилларига боғлиқлик объектив реаллик ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳар қандай мамлакатни унинг иқтисодиёти қандай ривожланган бўлишидан қатъий назар, жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қиласдан тўлақонли иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин эмас.

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) *алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг маълум турларини ишлаб чиқариши бўйича ихтисослашувини ифодалайди*. Алоҳида мамлакатларнинг бундай ихтисослашуви маҳсулотлари устун даражада экспортга йўналтирилган халқаро ихтисослашган тармоқларнинг шаклланишига олиб келади.

Дастлабки вақтларда халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосан табиий шароитлардаги тафовутларга асосланган эди. Бинобарин, факат саноат тўнтаришидан кейин, яъни ишлаб чиқарувчи кучлар байналминал хусусият касб этиб, миллий хўжаликлар доирасидан ташқарига ўсиб чиқа бошлагач, уларнинг негизидан барқарор меҳнат тақсимоти ва жаҳон бозори таркиб топади. Ҳозирги вақтда халқаро меҳнат тақсимоти турли ижтимоий тизимларни ўз ичидаги олувчи умумжаҳон хўжалиги доирасида ривожланмоқда.

Иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви билан бир қаторда глобаллашуви жараёни ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ҳар иккала тушунча ўзаро боғлиқ бўлиб,

улар жаҳон хўжалиги субъектларининг умумий мақсадларга эришиш йўлидаги ҳатти-ҳаракатларининг бирлашуви жараёнини акс эттиради.

Байналминаллашув – бу жаҳон хўжалигининг бир неча субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатилиши ва ривожланишининг дастлабки босқичидир. Глобаллашув (лотинча *globus* – ер курраси) жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб оловчи иқтисодий муносабатлар ягона тармоғининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жаарарёнининг қўйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш – мулкчилик муносабатларининг глобаллашуви. Ҳозирда мулкий ўзлаштиришнинг мамлакатлар ҳудудидан четга чиқувчи, кўплаб давлатларнинг иштироки асосида рўй берувчи кўринишлари амал қилмоқда. Буларга трансмиллий корпорациялар (ТМК), шунингдек ТМКнинг халқаро бирлашмаларини мисол келтириш мумкин.

Иккинчи йўналиш – кооперация ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражасига ўтиш. Юқори даражада ривожланган мамлакатлар ҳозирги замон мураккаб меҳнат кооперациясига хос бўлган хўжалик ўзаро алоқаларининг жуда катта тармоғига киришиб кетганлар. Энг мукаммал техника воситаларини яратишда турли мамлакатлардан етказиб берилувчи кўплаб бутловчи қисмлардан фойдаланилади. Масалан, АҚШ “Боинг” самолётини ишлаб чиқаришда бутловчи қисм ва деталларни мингга яқин хорижий фирмалардан олади.

Учинчи йўналиш – хўжаликни ташкил этишнинг бутунлай янги шаклларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Жаҳонда хўжалик алоқаларини ташкил этиш шаклларининг тубдан ўзгариши кўп жиҳатдан ахборот тарқатишининг глобаллашуви билан боғлиқ. Жумладан, янги асримизнинг дастлабки даври учун қўйидаги жараёнлар хос бўлади: а) бутун жаҳонни тўлиқ компютерлаштиришни тақозо этувчи глобал ахборот тизимлари (Интернет сингари) янада ривожланади; б) сунъий йўлдошлар имкониятларидан фойдаланишнинг янги тизими уяли телефон алоқасидан йўлдошлар орқали таъминланувчи глобал алоқага ўтиш имконини беради; в) инсоният очиқ ахборотлашган жамият томон интилади; г) Интернет орқали савдо тизими кенг ривожланади.

Тўртинчи йўналиш – халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тартибга солувчи роли ривожланади. Жаҳон хўжалиги субъектларининг ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро боғлиқлигининг кенгайиши ва кучайиши глобал муаммоларни ҳал этишда тобора кўпроқ давлатларнинг иштирок этишини тақозо этади. Бу муаммоларнинг мураккаблашуви уларнинг ўз вақтида ва тезкорлик билан ҳал этилишида хукуматлараро ва ноҳукумат (ишлаб чиқарувчилар, компаниялар ва фирмалар, илмий жамиятлар ва бошқа ташкилотларнинг бирлашмалари) халқаро иқтисодий ташкилотларининг фаолиятини заруриятга айлантиради.

Шунингдек, жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнларининг зиддиятли томонлари ҳам мавжуд. Бу зиддиятларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

- 1) турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишининг бир текисда бормаслиги;
- 2) бой ва қашишоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқнинг кучайиши;
- 3) экологик ҳалокат таҳдиidlарининг кучайиб бориши;
- 4) турли мамлакатларда аҳоли сонининг ўзгаришишининг фарқланиши.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳозирда жаҳон миқёсида юз берадиган глобаллашув жараёни ўзининг ижобий йўналишлари ва зиддиятларига эга бўлиб, бу жиҳатларнинг нисбатини тартибга солишда дунёning барча мамлакатларининг фаол иштироки ва бирлашуви талаб этилади.

Назорат саволлар:

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмун-моҳияти.
2. Глобаллашув жараёнида иқтисодий интеграциянинг ўрни ва аҳамияти.
3. Иқтисодий интеграциянинг содир бўлиш йўналишлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов Қ.Х., Аллаяров А.Л., Додобоев Ю.Т., Хасанжонов Қ.А. Марказий Осиё давлатларининг регионал иқтисодиёти. – Т.: “Turon-Iqbol” нашриёти, 2006. – 424 б.
2. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 2008. – 312 с.
3. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарқ», 2005. – 464 с.

2-мавзу. Мамлакатлараро интеграцион ҳамкорлик ривожланишининг объектив омиллари ва босқичлари

Режа:

- 1. Интеграцион жараёнларнинг таърифланиши.**
- 2. Интеграцион гуруҳлар типологияси.**
- 3. ТИФни давлатлараро тартибга солиниши.**

Таянч иборалар: интеграцион жараёнлар, интеграцион гуруҳлар, трансмиллий компаниялар, ташқи иқтисодий фаолият.

Ҳозирги пайтда интеграция жараёнлари тўғрисида мутахассислар орасида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Бир гуруҳ иқтисодчилар интеграцияни мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларини шакллантириш орқали «ресурслар чекланганлиги» муаммосини бартараф этиш йўли деб талқин этишади (бу орқали алоҳида олинган мамлакатда нисбатан серхаражат товарлар ишлаб чиқаришни йўқотиш, технологик айирбошлишни кенгайтириш имкониятини беради, бу НИОКРга харажатларни камайтиради). Бошқа гуруҳ олимлар интеграцияни талаб этувчи дастлабки туртки сифатида ноиқтисодий омилларни илгари суради (масалан, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш). Учинчи гуруҳ эса интеграция гуруҳларини ташкил этиш ишлаб

чиқаришни барқарор ўсиши, ижтимоий барқарорлик каби мақсадларга осонроқ ва тезроқ эришиш имкониятини беради деб ҳисоблади. Бу ва бошқа назарий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда шуни қайд этиб ўтишимиз мумкин, интеграция - бу худудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларининг ўзаро яқинлаши ва бир-бирига кириш жараёнидир.

Интеграцион жараёнлар ХИМда иккита асосий миқёсда таърифланади:

- микро — трансмиллий корпорацияларнинг ташкил этилиши орқали;
- макро — иқтисодий сиёsatни давлатлараро мувофиқлаштириш орқали.

Интеграция жараёнлари объектив тавсиф касб этишига қарамай, у ўз-ўзича, стихияли тарзда бормайди. Балки бугунги кунда ташкил этилган ва фаолият юритаётган минтақавий интеграцион тузилмалар уларга кирувчи мамлакатлар ўртасида қонуний келишув ва ўзаро шартномалар асосида амал қиласи.

Хозирда дунёда жуда кўплаб интеграцион гурӯхлар мавжуд. Биз турли минтақалардаги асосий интеграцион гурӯхлар сифатида қуйидаги тузилмаларни кўрсатишимиз мумкин:

- Фарбий Европада – Европа Иттифоқи (ЕИ);
- Шимолий Америкада – Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА);
- Осиё-Тинч океани минтақасида – Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН).

Европа Иттифоқи 1993 йил 1 ноябрда Маастрихт келишувлари (бу келишувлар 1991 ва 1992 йилларда иқтисодий ва валюта иттифоқини шакллантириш тўғрисида имзоланган эди) кучга кириши асосида янги ном билан пайдо бўлди. Бунга қадар у Европа ҳамжамияти деб аталиб, ўз ичига 1967 йилда бирлашган учта мустақил минтақавий ташкилотларни олар эди, яъни:

- 1951 йилда ташкил этилган кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича Европа бирлашмаси;
- 1957 йилда ташкил этилган Европа иқтисодий ҳамжамияти;
- 1958 йилда ташкил этилган атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти.

ЕИ доирасидаги интеграциянинг ривожланиши босқичма-босқич бормоқда. Жумладан, дастлаб эркин савдо худуди, божхона иттифоқи, умумий бозорнинг, кейинчалик эса иқтисодий ва валюта иттифоқининг ташкил этилиши бу тузилмалар шаклланишининг қуйидан юқорига томон ҳаракатини билдиради.

Хозирда ЕИда ягона бозор ҳамда давлатлараро бошқарув тизимини ташкил этиш жараёни якунланиб, мамлакатлар иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқларни расмийлаштирилар.

Иқтисодий иттифоқнинг амал қилиши ЕИ Вазирлар кенгаши томонидан ЕИ иқтисодий сиёsatининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилишини кўзда тутади ҳамда уларга ҳар бир аъзо мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши мувофиқ тушишини назорат қиласи.

Сиёсий иттифоқ ягона ташқи сиёсатни олиб бориш ҳамда ички қонунчилик доирасида умумий ёндашувларни ишлаб чиқишига йўналтирилган.

Валюта иттифоқи ЕИ доирасида ягона пул-кредит сиёсатини олиб бориш ҳамда барча мамлакатлар учун умумий бўлган валютанинг амал қилишини англатади.

1999 йил 1 январдан ЕИ мамлакатлари худудида евро ҳисоб-китоб бирлиги сифатида амал қила бошлади. Бироқ, бу пайтда валюта иттифоқига ЕИнинг барча аъзолари кирмай, Буюк Британия, Греция, Дания ва Швеция евро худудидан ташқарида қолди.

ЕИ тўла ҳуқуқли аъзолари таркиби йиллар давомида кенгайиб бормокда. Ҳозирда унинг таркибига 27 мамлакат киради: Бельгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция (1957 йил); Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 йил); Греция (1981 йил); Гренландия (1985 йил); Португалия, Испания (1986 йил); Австрия, , Финляндия, Швеция (1995 йил); Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия, Эстония (2004 йил); Болгария, Руминия (2007 йил).

ЕИга аъзо бўлиш учун бу мамлакатлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

- демократияни кафолатловчи ташкилотларнинг барқарор фаолияти;
- ҳуқуқий тартибининг ўрнатилиши ва унга амал қилиниши;
- инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ва кам сонли миллатларнинг ҳимоя қилиниши;
- бозор иқтисодиётининг амал қилиши;
- Иттифоқ ичидаги рақобат кураши ва бозор кучларининг таъсирига бардош бера олиш;
- ўз зиммасига аъзолик мажбуриятларини, шу жумладан, сиёсий, иқтисодий ва валюта иттифоқи вазифаларини олишга тайёрлик.

Евropa Иттифоқининг кенгайиши ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Бир томондан, янги ҳудудлар ва аҳолининг қўшилиши ҳисобига ЕИнинг ресурс салоҳияти ўсади, мавжуд аъзолар учун бозорлар аҳамиятли даражада кенгаяди, ЕИнинг жаҳондаги сиёсий мавқеи кучаяди. Бошқа томондан, ЕИдан катта ҳажмдаги сарф-харажатлар, жумладан, унинг янги аъзолари учун субсидия ва трансферт тўловлари учун бюджет сарфларининг ўсиши талаб этилади. Янги аъзолар иқтисодиётининг тармоқ бўйича таркиби талабга жавоб бермаганлиги сабабли, ЕИда бекарорлик хавфи кучаяди.

Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА) 1994 йилдан бошлаб амалда бўлиб, ўз ичига АҚШ, Канада ва Мексикани қамраб олади.

Бу мамлакатларнинг ўзаро савдо ва капитал ҳаракати асосидаги иқтисодий алоқаларининг миқёсларини қуйидаги маълумотлар орқали тасаввур этиш мумкин: АҚШда Канада экспортининг 75-80% (ёки Канада ЯММнинг 20%) сотилади. Канададаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибида АҚШнинг улуши 75%дан, Канаданинг АҚШдаги улуши эса 9%дан ортиқ.

АҚШга Мексика экспортининг 70%дан ортиғи йўналтирилиб, АҚШдан Мексикага 65% импорт келиб тушади.

Шимолий Америка интеграцион гуруҳининг мавжуд таркиби Европадаги интеграция моделидан фарқ қилиб, бу қуидагиларда намоён бўлади:

- АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги иқтисодий ўзаро алоқаларнинг тенг нисбатларда эмаслиги;

- бу гуруҳ аъзолари ривожланганлик даражасининг кескин фарқ қилиши.

Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА)нинг асосий жиҳатлари қуидагилардан иборат:

- 2010 йилга қадар барча божхона тўловларини бекор қилиш;

- товар ва хизматлар савдосидаги тарифсиз тўсиқларнинг аҳамиятли қисмини босқичма-босқич тугутиб бориш;


- Мексикадаги Шимолий Америка капитал қўйилмалари учун шартшароитларни яхшилаш;

- Мексика молия бозорида АҚШ ва Канада банкларининг фаолиятини эркинлаштириш;

- АҚШ, Канада ва Мексика арбитраж комиссиясини ташкил этиш.

Шунингдек, келгусида нафақат НАФТА доирасида ички минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, балки бошқа Лотин Америкаси мамлакатлари ҳисобига унинг таркибини кенгайтириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН) 1967 йилда ташкил топганлигига қарамай, фақат 1992 йилга келиб унинг иштирокчилари (Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Бруней, Вьетнам, Мьянма, Лаос) ўз олдиларига 2008 йилга қадар ягона минтақавий эркин савдо ҳудудини ташкил этиш вазифасини қўйдилар. АСЕАНнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиёти Япония, АҚШ, Осиёning янги индустрисал мамлакатлари иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ.



1.2-расм. Интеграцион гурухлар типологияси

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини тадқиқ этиш, унда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ва мазкур жараённинг энг самарали шаклларини кўрсатиб беришга интилиш бу борадаги турли назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Бундай назариялар қаторида неолиберализм, корпорационализм, структурализм, неокейнслик, дирижистлик йўналиши кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Эрта **неолиберализм** (1950-1960 йиллар) вакиллари В.Репке ва М.Аллэ тўлиқ интеграция деганда бир неча мамлакатлар микёсида ягона бозор маконининг ташкил этилишини тушуниб, бу маконда эркин рақобат ва бозорнинг стихияли кучлари амал қилиб, давлат сиёсати унга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Бу олимларнинг фикрича, халқаро иқтисодий муносабатлар

соҳасига давлатнинг аралашуви инфляция, халқаро савдо ва тўлов нисбатларининг бузилиши каби салбий ҳолатларни келтириб чикаради.

Бироқ, давлат иштирокидаги минтақавий давлатлараро иттифоқларнинг шаклланиши асосидаги халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши эрта неолибералларнинг фикрининг асоссиз эканлигини кўрсатди. Шунга кўра, кейинги неолиберализм вакили Б.Баласс иқтисодий интеграция давлатнинг иқтисодий ҳаётдаги иштирокининг фаоллашувига олиб келишини тадқиқ этди.

Корпорационализм (намояндалари С.Рольф, Ю.Ростоу) XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлиб, бозор механизми ва давлат томонидан тартиба солишга қарама-қарши ҳолда трансмиллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатиши халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашувини, унинг рационал ва мувозанатли ривожланишини таъминлашга қодирлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурди.

Структурализм (асосий вакили Г.Мюрдал) йўналиши тарафдорлари товарлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатининг тўла либераллашуви ғоясига қарши чиқиб, бозор механизмининг эркин амал қилиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашувида маълум номутаносибликларни, даромадлардаги тенгсизликнинг чуқурлашувини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайдилар. Бу оқим вакиллари иқтисодий интеграцияга интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг чуқур жараёни сифатида қараб, бунинг натижасида сифат жиҳатидан янги интеграциялашган макон, нисбатан такомиллашган хўжалик организми пайдо бўлишини таъкидлаганлар.

Неокейнслик (асосий вакили Р.Купер) йўналиши халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг марказий муаммолини мамлакатларнинг эркинлигини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда интеграция жараёнларидан олинадиган турли-туман нафлийкни кўпайтиришга асосий эътибор қаратган. Неокейнслилар халқаро интеграцияни ривожлантиришнинг мумкин бўлган иккита вариантини илгари сурдилар: биринчиси – иқтисодий мақсад ва сиёsatни мувофиқлаштирган ҳолда миллий эркинликни йўқотиш асосидаги интеграция; иккинчиси – миллий мустақилликни имкон қадар сақлаб қолиш шартига асосланган интеграция. Бу вариантларнинг ҳеч бири соф ҳолда мавжуд бўлмаслигини англаган ҳолда, улар интеграциялашувчи томонларнинг ички ва ташқи сиёsatларини мувофиқлаштириш йўли билан бу вариантларни уйғулаштириш зарурлигини кўрсатганлар. Неокейнсча йўналишнинг яна бир кўриниши **дирижизм** (асосий вакили Я.Тинберген) бўлиб, унинг намояндалари интеграция жараёнларида бозор механизмининг ҳал қилувчи ролини инкор этадилар. Улар халқаро иқтисодий тузилмаларнинг ташкил этилиши ва амал қилиши интеграциялашаётган мамлакатлар томонидан умумий иқтисодий сиёsatнинг ишлаб чиқилиши, социал қонунчилик бўйича келишув, кредит сиёsatининг мувофиқлаштирилиши асосида амалга оширилиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Юқоридаги турли-туман назарияларнинг умумий тавсифи шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг маълум жиҳатларини очиб беришга, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш ва янги

гояларни ривожлантиришга қаратилган. Мазкур назарияларнинг тўғри ва илмий асосланган томонларидан фойдаланган ҳолда халқаро иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришга интилиш иқтисодиёт назарияси олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий интеграция – бу турли мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг барқарорлашиб, чукурлашиб ривожланиши, улар хўжаликларининг чамбарчас чатишиб-чирмашиб ривожланиш жараёнларидир. Микродаражада бу жараён ҳудуд жиҳатдан яқин жойлашган мамлакатлар алоҳида фирмаларининг ўзаро таъсири орқали, улар ўртасидаги турли туман иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, шу жумладан чет эллардаги филиалларини ташкил этиш асосида боради. Давлатлараро даражада интеграция давлатлар иқтисодий бирлашмаларининг шаклланиши ҳамда иқтисодий сиёсатларнинг келишуви асосида амалга ошади.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари қуйидагилар:

- **эркин савдо ҳудудлари.** Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари бекор қилинади. Эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши ички бозорда миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, бу бир томондан, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг банкрот бўлиши хавфини кучайтиrsa, бошқа томондан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгиликларни жорий этиш учун рафбат яратади. Бунга Европа эркин савдо уюшмаси ва МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро битим мисол бўла олади;

- **божхона иттифоқи.** Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо ҳудудларининг фаолият қилиши билан бирга ягона ташки савдо тарифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташки савдо сиёсати юритишни тақозо қиласи; Европа Иттифоқи (ЕИ) божхона иттифоқига ёрқин мисолдир;

- **тўлов иттифоқи.** Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, Жануби-шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсаддир;

- **умумий бозор.** Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчиларига эркин ўзаро савдо ва ягона ташки савдо тарифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. Бунга Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг доирасида барча бож тўловлари ва импорт меъёр (квота)лари бекор қилинади, бошқа мамлакатлардан Европа бозорига товарлар кириши бир хил тартибга солинади, пул маблағлари ва ишчи кучининг чегарадан эркин ўтиши таъминланади ҳамда умумий муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказилади;

- **иқтисодий ва валюта иттифоқи.** Бу давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг

барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив тавсифдаги бир қатор омиллар тақозо қиласы, уларнинг ичидан қуидагилар асосий ўринни эгаллады:

- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва глобаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умумжаҳон фан-техника революцияси;
- миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши.

Интеграция жараёнларини рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири – **миллий иқтисодиёт очиқлик даражасининг ошишидир**. Очиқ иқтисодиётнинг ўзига хос белгиси бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига чукур киришганлиги;
- товарлар, капитал, ишчи кучининг мамлакатлараро ҳаракати йўлидаги тўсиқларнинг камайтирилиши ёки тўлиқ бартараф этилиши;
- миллий валюта конвертациясининг таъминланганлиги.

Шундай қилиб, интеграция миллий даражадаги иқтисодий ўсиш жараёнларининг ўзаро бирикиши орқали тавсифланиб, бунинг натижасида ягона хўжалик организми шаклланади. Реал ҳаётда бир вақтнинг ўзида интеграциялашув ва интеграциялашувдан қайтишдан иборат икки тенденция амал қиласи. Бундан ташқари, баъзи бир сабабларга кўра турли мамлакатлардаги интеграциянинг турли элементлари бир хилда ривожланмайди. Шунга кўра, интеграциянинг қуидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **қатъий (бир томонлама нафли) интеграция.** Бу турдаги интеграция ташқи тавсиф ҳолатлари билан шартланган бўлиб, мазкур жараёнлардан баъзи мамлакатлар наф кўрувчи ҳисобланса, бошқа бирлари донор ҳисобланади;
- **мослашувчан (икки томонлама нафли) интеграция.** Бу турдаги интеграцияда ҳар бир мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам донор, ҳам наф кўрувчи ҳисобланади.

Давлатлараро иқтисодий интеграциянинг ривожланишида қуидаги бир қатор шарт-шароитларнинг мавжудлиги таъсир кўрсатади:

- интеграцион алоқага киришаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт жиҳатидан бир хил даражада бўлиши ҳамда бир турдаги хўжалик тизимларига эга бўлиши;
- уларнинг худудий жиҳатдан яқинлиги, ягона минтақада жойлашганлиги ва умумий чегарага эгалиги;
- уларнинг тарихан таркиб топган ва етарли даражада мустаҳкам иқтисодий алоқаларга эгалиги;
- иқтисодий манфаатлар ва муаммоларнинг умумийлиги ҳамда уларни ҳал этишда биргаликдаги ҳаракатнинг самарадорлиги ва ҳ.к.

ХИМ ривожланишининг замонавий босқичида турли табиатдаги интеграция жараёнлари сайёрамизнинг барча қитъаларида мавжуд. Кундан кунга хўжалик ҳаётининг интеграциялашуви жараёни чуқурлашиб бормоқда. Бу интеграциялашув ХИМнинг савдодан тортиб илмий-ахборот айирбошлашгача бўлган турли кўринишларининг бир-бирига қўшилиб боришини назарда тутади.

Интеграцион грухлар типологияси асосини иштирокчи мамлакатлар миллий иқтисодиётининг макро ва микро даражада ўзаро яқинлашиши ва бир-бирига кириб боришининг нақадар чукурлигини баҳолаш ташкил этади.

Бу мезонга кўра интеграциянинг тўрт кўринишини ажратиб кўрсатиш мумкин: эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи, умумий бозор ва иқтисодий иттифоқ. Кўрсатиб ўтилган интеграция кўринишларининг умумлаштирилган тавсифлари 1.2-расмда келтирилган.

Эркин савдо ҳудудининг ўзига хос аломати унинг иштирокчилари ўртасида божхона тарифлари ва квоталарни ўзаро бекор қилиш тўғрисида келишиш эканлигини қайд этиб ўтамиз, бунда учинчи мамлакатларга нисбатан савдо сиёсати мустақил танланиши мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, эркин савдо ҳудудлари халқаро иқтисодий интеграциянинг бошлангич босқичи саналади. Эркин савдо ҳудуди замонавий талқинда преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан ҳоли савдо тартибига риоя қилинади. ЭСҲ амалда икки ва ундан ортиқ давлатларнинг ўзаро савдосида божлар, лицензия ва квоталарни музлатиш ва аста-секин бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши натижасида шаклланади. Бунда, ЕИ, НАФТА ва МЕРКОСУР тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан савдо режимини эркинлаштириш чекланган табиатга эга, дастлаб божхона номенклатурасидаги баъзи позицияларни қамраб олади.

ЭСҲ ижобий жиҳатларига иштирокчи мамлакатлар савдо сиёсатида барқарорликнинг ўрнатилишини киритиш мумкин. Бу ЭСҲга аъзомамлакатларни халқаро иқтисодий муносабатларга жалб этиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради, улар халқаро меҳнат тақсимотидан самарали фойдаланиш имконига эга бўлади.

Салбий жиҳатларга келсак, улар ички бозорда рақобатнинг кучайиши билан белгиланади, чунки бу миллий ишлаб чиқарувчиларга салбий таъсир этиши ва банкротлик хавфини кучайтириши мумкин. Бундан ташқари ЭСҲни яратиш миллатлараро тартибга солувчи органларни ташкил этиш билан бирга кузатилмайди, бу эса биргалиқдаги қарорлар қабул қилишни секинлаштиради ва бу қарорларни бажарилишини назорат қилишни қийинлаштиради.

Бироқ интеграциянинг бошлангич босқичидаги қийинчиликлар ва муаммоларга қарамасдан, эркин савдо ҳудудлари жаҳон иқтисодиётидаги кенг тарқалган.

Хуқуқий нуқтаи назардан божхона иттифоқи (БИ) икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида ўзаро ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган солик сиёсатининг ўтказилишини акс эттиради. Иқтисодий нуқтаи назардан эса

божхона иттифоқларини ташкил этиш, бу ягона иқтисодий маконни шакллантириш ва бу макон доирасида ҳар қандай божхона чегараларини бартараф этишни англатади.

Бозор иктисодиети шароитида, бозор муносабатларини асосий тамойилларини амалда булиши давлат томонидан, мамлакат иктисодий хавфсизлигини таъминлаш ва умуммиллий манфаатларини химоя килиш максадида, ташки иктисодий фаолиятни тартибга солиш амалга оширилади. ТИФни тартибга солиш буйича давлат органларини фаолияти деярли барча мамлакатларда амалга оширилади. Лекин бу фаолиятни кулами, шакллари ва усуллари аник максад ва вазифалари хар бир мамлакатни катта-кичиклигидан, жахон хужалигига тутган урнидан, давлатни ташки ва ички сиесатидан келиб чиккан холда белгиланади.

ТИФни давлат томонидан тартибга солиш хар хил усуллар ердамида амалга оширилади. Бу усуллар синфланиш белгилари (мезонларига) кура иктисодий ва маъмурий, тариф ва нотариф усулларига булинади.

ТИФни тартибга солишни иктисодий усуллари савдо сиесатини воситалари булмиш – божхона божлари, соликлар (ККС, акциз солиги ва бошкалар) ва божхона йигимларига асосланади. Бу воситаларини куллаш оркали давлат ташки иктисодий фаолият субъектларини манфаатларига таъсир курсатади, табиийки уларни узларини тутишларига хам таъсир курсатади. Улар купрок бозор муносабатларини табиатига мос келадилар ва шунинг учун хам хозирги шароитида ташки иктисодий фаолиятни тартибга солишда асосий ролни уйнайдилар.

Маъмурий усуллар таркибиға давлат коидалари, меъерлари, такиклашлари киради. Булар ердамида давлат бевосита ташки иктисодий фаолият субъектларига таъсир курсатиб, уларни фаолиятларини хар хил томонларини, жамият манфаатлари йулида чегаралайди. Маъмурий усуллар куп холларда уз табиатига кура бозор муносабатларига зид келади ва шунинг учун хам уларни куллаш кундан-кунга камайиб бораяпти.

Тариф усуллари ТИФни тартибга солишни иктисодий усулларини асоси хисобланади. Бож тарифларини ТИФни тартибга солишдаги алохида ахамияти уларни, бошка иктисодий усулларидан холи холда урганишни такозо этади.

Тариф оркали тартибга солиш асосан ички бозорни чет эл ракобатчиларидан химоя килишга каратилгандир. Тариф оркали тартибга солиш тизимида олиб кириш божлари хал килувчи рол уйнайдилар.

Экспорт божлари бозор муносабатлари табиатига зид деб саналади, халкаро ва минтакавий иттифоклар ва келишувлар улардан халкаро савдода фойдаланишни тавсия этмайдилар.

Узбекистон Республикасига хар хил мамлакатларидан олиб кирилаетган товарлар ассортименти хилма-хилдир ва доимо узгариб туради. Купгина худди шундай еки белгиланишига, истеъмол хусусиятлари ва сифатига кура ухшаш товарлар Узбекистон ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилаяпти еки уларни ишлаб чиқариш бизнинг мамлакатимизда иктиносидий тугри келган шартларда ташкил этилиши мумкин. Лекин шундай товарлар борки, улар мамлакатимиз ички бозорига факат бошка мамлакатлардан олиб келинади. Булар категорига: чой, кофе, какао, табиий каучук цитрус мевалари ва бошкалар киради.

Куп холларда импорт товарлари махаллий товарларини худди узи булиб, улар билан ракобат киладилар. Шунинг учун бундай товарларга нисбатан олиб кириш божлари жаҳон миқесидаги миллий миқесдаги ҳаражатлар ва нархларни вужудга келаётган нисбатларини хисобга олган холда белгиланишлари лозим. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва баҳолар уртасидаги нисбат маҳсулот турлари ва гурухлари буйича кенг миқесда узгариши мумкин. Бу эса олиб кириш божларини маҳсулот турлари ва гурухлари буйича табакалаштириш лозимлигини белгилайди.

Олиб кирилаетган товарлар ассортиментини чегараланганлиги ва оммавий равишда олиб кирилишида божхона божларини ставкалари хар бир маҳсулотга алоҳида холда еки уларни хар бирига нисбатан мос асосий курсаткичларига караб белгиланиши мумкин.

Эркин бозор муносабатларига асосланган демократик давлатни, фукаролик жамиятини кураётган Узбекистон Республикаси учун иктиносидий ислохотлар стратегиясининг асосий йуналишларидан бири, жаҳон хужалигига аъзо давлатлар билан узаро манбаатли алокаларни янада кенгайтириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Мамлакатнинг иктиносидий мустаҳкамланиши баркарор ривожланиши, унинг жаҳон хужалиги тизимиға муваффакиятли интеграллашуви куп жихатдан ташки савдо фаолиятини, уни транспорт ва божхона хизматларини, халкаро савдони глобаллашуви талабларига мос равишда такомиллаштиришга боғлиқдир.

ТИФни давлатлараро тартибга солишининг бу қўриниши БИ қатнашчилари ўртасида божсиз савдонигина эмас, балки унинг ташқи чегараларида мувоғиқлаштирилган тарифни жорий қилишни ҳам назарда тутади. Божхона иттифоқининг эркин савдо ҳудудидан фарқи ҳам ана шунда.

Божхона иттифоқларини яратиш ва уларнинг шаклланишининг конкрет натижалари унга аъзо мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида юз берадиган таркибий ўзгаришларда ўз аксини топади: талаб ва таклиф нисбий устунлик табиатига мос равишда ўзгаради. Бошқача қилиб айтганда, божхона иттифоқи савдонинг кенгайишига караб турмуш фаровонлигини оширади, бирор ғайни пайтда ишлаб чиқарувчиларнинг арzon маҳсулотлардан қимматроқ

товарлар ишлаб чиқаришга мослашишлари натижасида фаровонликни пасайтиради.

Эркин савдо ҳудудидан божхона иттифоқи ва умумий бозор орқали ягона валютага эга бўлган бир бутун иқтисодий уюшмагача бўлган катта йўлни босиб ўтган Европа Иттифоқининг ташкил бўлиш тарихи бунга яққол мисол бўла олади. Худди шу йўналишда бошқа ҳудудий гурухлар (АСЕАН ва бошқалар) ривожланиб бормоқда.

Интеграция жараёнларининг кейинги ривожланиши интеграциянинг энг етук қўринишлари умумий бозор, сўнгра иқтисодий иттифоқнинг шаклланишига олиб келади. Жуда кўплаб иқтисодий бирлашмаларнинг вужудга келиши ва тараққиётидан маълумки, айнан умумий бозор ва иқтисодий иттифоқ энг кўп диққатга сазовордир.

Жанубий Америка ва Осиёдаги бир қатор ташкилотлар товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ягона бозори қўринишидаги гурухларни ташкил этилганлиги тўғрисида шошилиб эълон қилган бўлсалар-да, ҳозирги пайтгача интеграциянинг бу қўриниши амалда фақат Фарбий Европада амалга оширилган. Умумий бозорлар қаторига қўйидагилар киради:

- *Жанубий конус мамлакатлари умумий бозори (МЕРКОСУР)* — Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвайни бирлаштирган.
- Марказий Америка умумий бозори - Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа ва Сальвадорни бирлаштирган.
- Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозори (*KOMECA*), таркибига Африканинг 19 давлати киради.
- Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (*АСЕАН*) — Тинч ва Ҳинд океанлари ўртасида жойлашган тўққизта мамлакатни бирлаштирган.

Божхона иттифоқини умумий бозорга айлантириш жараёни фақатгина савдони эмас, балки иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олувчи катта миқдордаги қонуний меъёрларни уйғунлаштириш масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ. Шунинг учун ички божхона тўсиқлари ва бошқа чеклашларни бартараф этиш, шунингдек, учинчи мамлакатлар билан савдода умумий тамойилларни ишлаб чиқиши билан бирга, умумий бозор иштирокчилари иқтисодиётнинг алоҳида соҳа ва тармоқларини ривожлантириш бўйича харакатларни мувофиқлаштириш зарурки, бунинг натижасида миллий чегаралар орқали хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўтишига шароит яратилади. Бундан ташқари умумий бозорни шакллантириш давомида ижтимоий ва ҳудудий ривожланиш учун жамоавий фондларни яратишга зарурият туғилади, умумий бозорни иқтисодий иттифоқка айлантириш жараёнида бу фондларнинг аҳамияти жуда катта бўлади. Бунда миллатлараро мувофиқлаштирувчи органлар муҳим аҳамият кассб этади. Европа Иттифоқи тажрибасидан маълумки, бундай органларни ташкил этмасдан миллий қонунчилик меъёрларини соддалаштириш ва интеграцион бирлашма иштирокчиларининг умумий қарорлари бажарилишини назорат қилиш тизимини жорий этишга эришиш жуда мураккаб бўлади.

Европа Иттифоқигина иқтисодий интеграциянинг энг юқори чўйқисига инилишини яққол намойиш этмоқда.

Маълумки, Европа Иттифоқига аъзо-мамлакатларнинг давлат раҳбарлари XXI аср бошида ўз олдиларига қўйган мақсадга эришишни режалаштиришган. Ҳозирча яқуний натижалар тўғрисида гапиришга эрта бўлса-да, иқтисодий иттифоққа хос аломатлар кўзга ташланиб қолди. Бу аломатлар қуидагилар ҳисобланади: умумий қонунчилик меъёрларини яратиш, солиқ базасини соддалаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, мувофиқлаштирилган пул сиёсатини ўtkазиш, ягона валютага ўтиш.

Назорат саволлари

1. Интеграцион жараёнларнинг таърифланиши.
2. Интеграцион групҳлар типологияси.
3. ТИФни давлатлараро тартибга солиниши.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алчинов В.М. СНГ – Россия – Евросоюз. Проблемы и перспективы интеграции /В.М. Алчинов; Дипломат. акад. МИД России, Ин-т актуал. междунар. проблем. – М.: Восток – Запад, 2008. – 220 с.
2. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее /Т.: 2010. – 218 с.
3. Баринов В.А. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.

З-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви йўналишлари

Режа:

- 1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти.**
- 2. Ўзбекистонда иқтисодий интеграция тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари.**
- 3. Ўзбекистонда иқтисодий интеграция жараёни билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари.**

Таянч иборалар: интеграцион салоҳияти, иқтисодий интеграция тузилмалари, интеграция муаммолари.

Ҳозирги замон глобаллашув даврида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш шароитида жаҳон хўжалигига иштирок этиш жараёнларини ривожлантириш ва чукурлаштиришнинг устувор йўналишларида куч-ғайратни жамлаш зарурияти юзага келди. Етакчи халқаро иқтисодий, молиявий, ва гуманитар ташкилотлар, илғор Европа мамлакатлари ва АҚШ, Осиё қитъаси давлатлари, МДҲ мамлакатлари ва айниқса, Россия, шунингдек Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ана

шундай йўналишлар жумласига киради. Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг жаҳон хўжалик тизимига чуқур интеграциялашуви муаммоларини ҳал қилиш учун республиканинг экспорт салоҳиятини анча мустаҳкамлаш, экспорт қилинаётган тайёр маҳсулотлар ассортименти ҳажмини ошириш ва кенгайтириш, республиканинг жаҳон бозоридан ўрин олишини фаол мустаҳкамлаш зарур. Ҳозирги вақтда амал қилаётган рағбатлантиришлар ва имтиёзлар билан бирга, миллий ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлигини кучайтириш, импорт қилинадиган маҳсулотларнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни оқилона асосланган ҳолда ривожлантириш билан уйғун равища якуний маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш мухимdir.

Шу нуқтаи назардан давлатлараро иқтисодий интеграция — иқтисодий ривожланиш даражаси бир-бирига яқин бўлган давлатлар бирлашишининг объектив жараёнидир. У фақат тегишли мамлакатлар ташки савдо алмашуви соҳаси, уларнинг бозор алоқаларини (халқаро ҳамкорликда бу кўпинча учраб туради) қамрабгина қолмай, балки мазкур мамлакатлар моддий ишлаб чиқариши соҳасига чуқур кириб боради, турли даражада ва ҳар хил шаклларда қайта ишлаб чиқариш тузилмаларининг тобора мустаҳкамроқ ўзаро ҳамкорлигига олиб келади.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишининг шарт-шароитлари ва ташки иқтисодий фаолиятини амалга ошириш имкониятлари Республика давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан вужудга кела бошлади. Бундай вазиятда ташки иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, ташки алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларни ишлаб чиқиши, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўлларини белгилаш тақозо этилади.

Республика ташки сиёсатини амалга оширишнинг асосий тамойиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида қурилса, унинг қоидалари икки томонлама ва қўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чукурлаштиришга асосланади².

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этишнинг асоси очик турдаги иқтисодиётни вужудга келтиришdir. Шу сабабли республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қисқа давр ичida 80 дан ортиқ давлат билан дипломатия муносабатларини ўрнатди, дунёning 20 дан ортиқ давлатида дипломатия элчиноналарини очди, кўпгина халқаро ташкилотлар – БМТ иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро банк, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот каби бошқа халқаро молиявий-иктисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари тўхталиб, Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: «Интеграция ҳақида гапирав эканмиз, манфаатлар

² Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: «Ўзбекистон», 1998. 266-267-б.

бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турличалиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда – дунё миқёсида ва минтақа кўламида – интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қиласди. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир»³.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кўп даражали тизим сифатида амал қилиб, уни қуйидаги бешта даражага ажратиш мумкин: глобал; трансконтинентал; минтақалараро; минтақавий; маҳаллий⁴. Ҳар бир даражадаги интеграцион алоқаларнинг ўзига хос вазифалари мавжуд.

Ўзбекистоннинг **глобал даражада** амалга оширилувчи стратегик интеграцион вазифаси – бу мамлакатдаги барча хўжалик субъектларининг ташқи бозор билан ўзаро алоқасини таъминлаш учун тенг хуқуқли ва миллий манфаатларга мос келувчи шарт-шароитларни яратиш асосида унинг ҳалқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилишидир. Ўзбекистоннинг БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Европа ҳамжамияти, НАТО, Жаҳон банки, Ҳалқаро валюта фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) каби ташкилотлар фаолиятидаги фаол иштироки унинг жаҳон хўжалигига янада кенгроқ интеграциялашуви таъминлайди.

Ўзбекистоннинг **трансконтинентал даражада** амалга оширилувчи интеграцион вазифаси – бу ҳалқаро трансосиё Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) доирасидаги ўзаро алоқаларни янада кучайтиришдан иборат. Бу ташкилот 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз ичига Осиё қитъасининг 10 та давлати (Туркия, Эрон, Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Озарбайжон)ни олади. Унинг асосий мақсади – хўжаликнинг транспорт, коммуникациялар, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, туризм, ишчи кучи ресурсларини ривожлантириш каби соҳаларида минтақавий ва ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Ўзбекистон **минтақалараро даражада** янги мустақил давлатлар – МДҲ мамлакатлари билан интеграцияга киришди. Ўзбекистон биринчилар қаторида МДҲни ташкил этиш фоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, интеграцион ва кооперацион алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда унинг Ҳалқаро иқтисодий қўмита (МЭК), Давлатлараро банк (МГБ), МДҲ Статистика қўмитаси каби институционал тузилмаларини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таждид, барқорорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 299-бет.

⁴ Қаралсин: Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики / Под ред. А.Х.Хикматова. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001, 292-бет.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда МДҲ ўзининг ташкил топиши чоғидаги дастлабки мақсади – яъни, мавжуд хўжалик алоқалари ва имкониятлардан фойдаланишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва шу асосда иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсади ҳамда ундан келиб чиқувчи вазифаларга мос келмай қолди. Бу ташкилот фаолият йўналишида кўпроқ сиёсий масалалар, «интеграцион алоқаларни кучайтириш» шиори остида кучли мамлакатларнинг нисбатан кучсиз мамлакатлар ички ишларига аралашуви, улар манфаатларининг сикиб қўйилиши, иқтисодий ва сиёсий тазийк ўтказиш ҳолатлари устунлик касб эта бошлади. Бундай ҳолатларга Президентимиз И.А.Каримов МДҲга аъзо мамлакатларнинг турли даражадаги йиғилишларида танқидий нуқтаи назардан қараб, уни тубдан ислоҳ қилиш борасида ўзларининг амалий таклифларини бердилар.

Ўзбекистоннинг **минтақавий даражадаги** интеграцияси – бу умумий тарихга, ягона маданий анъаналарга, ўхшаш турмуш тарзи ва менталитетга эга бўлган қардош халқларни бирлаштирувчи Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бундай интеграцион алоқанинг аниқ шакли сифатида 1992 йилнинг январь ойида ташкил этилган Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлиги (ЦАРС) ташкил этилди.

Яна бир истиқболли, кучли салоҳиятга эга бўлган минтақавий бирлашмалардан бири – **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШОС)дир**. Бу ташкилот 2001 йилнинг 15 июнида олтига – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Хитой мамлакатлари ҳамкорлигига ташкил этилди.

Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ушбу ташкилот сафидан жой олиш истагини билдирган давлатлар сони ҳам кўпаймоқда. ШХТнинг салоҳияти ҳақида гапирганда масаланинг фақат иқтисодий жиҳати ҳисобга олинса ҳам, уни йирик иқтисодий-интеграциявий ташкилот деб аташ учун барча асослар етарлидир.

ШХТнинг салоҳият ва имкониятлари тўғрисида сўз кетганда, энг аввало унга аъзо мамлакатлар эгаллаган ҳудуд кўламининг аҳамиятли даражада катталигини таъкидлаш ўринлидир. ШХТга аъзо давлатларнинг умумий ҳудуди 30178,7 минг км.кв ни ташкил этиб, унда энг катта салмоқни Россия (56,6%) ва Хитой (31,8%) эгаллайди (26.1-жадвал). Мазкур ташкилотга аъзо давлатлар аҳолиси сони 1,5 млрд.дан кўпроқ бўлиб, аҳоли умумий сонидаги салмоғи жиҳатидан Хитой энг катта улушга эга – 87,0 %. Сўнгти йилларда ШХТга аъзо давлатлар томонидан ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми 12,1 трлн. долл.дан ошади.

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан иқтисодий интеграциясининг кучайиши кўп жиҳатдан мазкур мамлакатларнинг миллий манфаатдорлиги билан белгиланади. Энг аввало, Ўзбекистон рақобат

жихатидан нисбатан устунликка эга бўлган ишлаб чиқариш соҳалари товарлари – пахта хомашёси, машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари саноати, электр энергетикаси товарларининг савдосини кенгайтириши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, телекоммуникациялар, сув ва энергия ресурсларидан фойдаланиш, ҳалқаро туризм, ҳамкорликдаги экологик лойиҳаларни амалга ошириш борасида интеграция алоқаларини кучайтириш лозим.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш талабларидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар (ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, божхоналар хизмати ва бошқалар) амалда янгидан ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасидан тортиб, бошқарувнинг маҳаллий даражаси ва корхоналаргача бўлган хўжалик субъектларида тегишли ташқи иқтисодий бўлимлар тузилди. Дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очилди ва савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ташқи савдо билан бирга иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада ривожланди. Жумладан, 2007 йилга келиб Республика худудида рўйхатдан ўтган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 4089 бирликни, уларнинг экспорти ҳажми мамлакат умумий экспортининг 18,5 фоизини ташкил этди. Бундай корхоналарнинг асосий қисми саноат тармоқлари (50,1%), савдо ва умумий овқатланиш (29,9%) соҳаларида тўпланган.

Ҳалқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалиги ривожининг тарихий жихатдан узоқ давр давом этган натижаси ҳисоблансада, Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганлариdek, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудки, бизнинг Республикамиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат⁵.

Дастлабки даврларда республикамида ташқи савдо икки йўналиш бўйича: МДХ мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисоб-китоб қилиш асосида амалга оширилди.

Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобига сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хом ашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қиласи⁶.

⁵ Каримов И.А. Испоҳтлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маъruzasi. «Ҳалқ сўзи», 2000 йил 2 февраль.

⁶ Қаралсин: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 17-б.

Ташқи иқтисодий фаолиятда Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва ҳамкорлигини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Уларнинг саноатини интеграциялаштиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди.

МДҲ мамлакатлари билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари муассасалари – Давлатлараро иқтисодий қўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни ташкил этишда фаол қатнашмоқда. МДҲдаги мамлакатлар (Россия, Украина, Белорусь, Молдова ва бошқалар) билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа шартнома ҳамда битимлар имзоланиб, улар кучга кирди.

Республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратишга, ҳамда зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига таваккалчилик хатарларидан келадиган зарарни қоплайдиган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини, турли қўшма суғурта компанияларини, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ билан биргаликда ташкил қилинган инвестицияларга қўмаклашувчи хизматни, Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу муассаса ва ташкилотлар ҳамда республикада вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласи ва сарфланган сармоясини кафолатлади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши **БМТнинг республикада амалга ошираётган иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларида** ҳам намоён бўлади.

Мамлакатимизнинг Евropa Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлиги, НАТОнинг «Гинчлик йўлидаги шериклик» дастуридари иштироки унинг жаҳон хўжалиги қўшилишнинг навбатдаги йўналишидир. Жумладан, Евropa Иттифоқи билан Республикамиз ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1996 йил июнь) ташқи иқтисодий фаолиятининг устивор йўналишидир.

Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди ва жаҳон банки билан ҳамкорлиги ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишдаги навбатдаги йўналишdir. Бу йўналишда ХВФ билан тизимли қайта қурилишларни маблағ билан таъминлаш, тизимли ва макроиқтисодий сиёsat соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастурлари мақулланди.

Жаҳон банк ташкилотлари – Халқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХТРБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги (ИКХА) билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда

муҳим роль ўйнайди. Хусусан ХРРБ йўли билан Ўзбекистонга пахта етишириш усулларини замонавийлаштириб, унинг жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашиш ва унумдорликни ошириш учун асос яратиш мақсадида 66 млн. доллар, институционал ислоҳотларни давом эттириш учун 120 млн. доллар маблағ ажратилди. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳам Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда **Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)** алоҳида роль ўйнайди. Республикада амалга оширилаётган умумий қиймати 536 млн. долларга тенг 9 та лойиҳада ЕТТБнинг улуши 253,1 млн. долларни ташкил қиласди.

ЕТТБнинг Ўзбекистонда амалга ошириш кўзда тутилган, умумий суммаси бир млрд.доллардан ортиқ бўлган яна 8 та лойиҳани кўриб чиқиши мўлжалланган.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва савдо фаолиятида **Осиё ривожланиши Банки (ОРБ) ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)** билан ҳамкорлиги истиқболли йўналишлардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида дунё мамлакатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, бу миллий иқтисодиётнинг байналмилаллашувини кучайтиради ҳамда иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтаришнинг асосий ташқи омиллари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳада кўпгина ютуқларга эришди – бу республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиш ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама сиёsat юритиш давлатимизнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрнини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Бошқа давлатлар билан ўрнатиладиган ҳамкорлик, минтақавий интеграция давлатнинг ҳар хил эҳтиёжларини қондириш ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллатлар ва элатларнинг яқинлашувига, аҳолининг турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши унинг олдига жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш муаммосини кўндаланг қилиб қўйди. Бу борадаги кун тартибида турган энг долзарб вазифалардан бири Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиши, турли интеграция бирлашмаларида иштирок этиши ва унга аъзо-мамлакатлар билан ўзининг савдо-иқтисодий ҳамда сиёсий алоқаларини такомиллаштириш лозимлигидан далолат беради ва бу танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг моддий-ашёвий асосларини у ёки бу минтақавий групкалар ёхуд иттифоқларга бирлашган мамлакатларнинг интеграциявий салоҳияти ташкил қиласди.

Мамлакатнинг интеграцион салоҳияти деганда, фикримизча, халқаро иқтисодий интеграциянинг алоҳида томонлари-субъектлари (интеграциялашаётган мамлакатлар) амалга оширадиган халқаро ишлаб чиқариш-иқтисодий ҳамкорлик ва алмашув предмети бўлган миллий табиий, меҳнат, ишлаб чиқариш, молия-кредит, савдо ресурслари, илмий ходимлар ва одамларнинг ақлий қобилияти мажмуини тушуниш зарур. Ўзбекистоннинг интеграцион алоқаларини жадаллаштиришга хизмат қиласидаги омиллар ва шароитлар орасидан республика интеграцион салоҳиятининг қўйидаги аниқ-равshan устунликларини санаб ўтиш мумкин, яъни:

- Ўзбекистоннинг Евроосиё китъасидаги қулай геостратегик жойлашуви;
- ер, минерал-хом ашё ва ўсимликларнинг анча катта захираси, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлган тенги йўқ тупроқ-иклим шароитлари;
- муҳим ташқи савдо ва экспорт салоҳияти;
- тегишли давлатлараро коопрециялашув ва биргалиқдаги инвестициялар мавжуд бўлганда анча қисқа муддатлар ичида тайёргарликнинг юқори даражасига эга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон берадиган йирик ишлаб чиқариш салоҳияти;
- одамлар салоҳияти, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурслари, шунингдек, нисбатан арzon (жаҳон миқёсида олиб қараганда) иш кучи мавжудлиги;
- ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, биринчи навбатда республикани МДҲнинг бошқа минтақалари билан боғлаб турадиган, автомобил ва темир йўл магистраллари, телекоммуникация тизимининг мавжудлиги;
- республикада чет эл капиталини инвестиция қилиш, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий ва интеграцион ҳамкорликнинг яхши кафолати бўлган барқарор сиёsat.

Юқорида кўрсатилган позициялар бўйича миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиётига ўгаётган шароитида мамлакат интеграциявий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш учун бу салоҳиятининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш керак.

Биринчи навбатда, бу потенциалнинг таркибий қисмлари бўлган геостратегик жойлашув, табиий-хомашё ва меҳнат ресурслари, шунингдек экспорт имкониятлари кабиларни тавсифлаш лозим.

XXI аср кириб келиши билан жаҳон иқтисодиётидаги интеграциявий мойиллик жуда яққол намоён бўлди. Халқаро меҳнат тақсимоти шу даражага етдики, миллий хўжаликлар тобора кўпроқ интеграциялашув хусусиятини касб этмолда. Бу эса халқаро хўжалик фаолиятининг байналмиллашувига олиб келаётганлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Бу шароитларда ўзаро ҳамкорликнинг анъанавий шакллари — халқаро савдо, капиталларнинг кўчиши, иш кучининг миграцияси - янги, аниқ ифодаланган институционал шаклларга эга бўлмокда. Бир томондан, давлатлараро минтақавий бирлашмалар

тузилмоқда (энг яққол мисол — Еврохукумат ва Европарламентга эга бўлган Европа Иттифоқи), бошқа томондан — ўз фаолиятининг хусусияти бўйича ҳам алоҳида давлатлар, ҳам бутун минтақаларнинг ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадиган йирик трансмиллий корпорациялар (ТМК) кенг миқёс олмоқда. Интеграция ҳақида гапира туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганлариdek: "Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув иқтисодий жихатдан ривожланган бозор тизимиға эга бўлган демократик давлатлар тушунчасига мувофиқ келгандагина мумкин бўлади. Айни пайтда мамлакатми замонавийлаштириш унинг, шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, яъни ҳалқаро меҳнат тақсимотида ўзининг муносиб ўрнини топиши, минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимини яратиш шартлари мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади".

Ёш, мустақил давлат бўлган Ўзбекистон Республикаси учун ташқи иқтисодий фаолият ва жаҳрн иқтисодиётига интеграциялашув муаммоси айиан бугун, республикамиз давлатчилиги шакланаётган, жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрнини излаётган бир пайтда ва цивилизациялашган демократик жамият қуришда ўта муҳимdir.

Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турличалиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда дунё миқёсида ва минтақа қўламида-интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: "бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоклашмасликка амал қиласди. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир", деб алоҳида таъкидлади Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб қатор минтақавий иқтисодий интеграция тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Улар жумласига, Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти (МОҲТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ-ЕСО), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) кабиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон бозори кенг интеграциялашган тузилмалардан бири Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти бўлиб, унга аъзо мамлакатлар билан Республикамизнинг миллий маданий-тарихий хусусиятлари ва табиий-географик шарт-шароитлари бир хиллиги муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тузилма доирасида минтақа давлатлари мақсадларига мувофиқ келадиган қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, уларнинг амалда ижроси талаб даражасида дейиш қийин. Чунки жараённинг чуқурлашуви иқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топади. Зоро, муайян минтақада иқтисодий интеграция жараёнлари чуқурлашаётганини, мамлакатлараро иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, уларга мамлакатларнинг ўзаро ташки савдо

айланмасини ва унинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳамда саноат ишлаб чиқаришидаги нисбатини киритиш мумкин. Бу кўрсаткичлар ичида интеграция масаласида ташқи савдо айланмасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ва саноат ишлаб чиқаришига нисбати муҳимроқ бўлиб, улар миллий бозорларнинг ўзаро очиқлик миқёсини, яъни, мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол борасида бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади.

Мамлакатимизнинг ушбу минтақада кечётган интеграция жараёнидаги ўрни ва динамикаси савдо алоқалари бўйича маълумотлар асосида таҳлил қиласиз. Бу минтақа мамлакатлари ичида савдо алоқалари Қозоғистон билан салмоқли даражада ривожланган, қолганлари билан эса нисбатан чекланган даражада алоқалар ўрнатилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан МОҲТ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси ўртacha 3,8 бараварга, экспорт ҳажми 4,1 бараварга ва импорт ҳажми 3,6 бараварга ортган.

Миллий иқтисодиётимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари йўналишлари қаторига Иқтисодий Ҳамкорлик Ташқилоти доирасидаги мамлакатлар билан олиб борилаётган муносабатлар ҳам киради. Бу тузилма доирасидаги мамлакатлар билан Узбекистон ҳамкорлигининг шаклланишида ижтимоий-тарихий ва табиий-географик шарт-шароитлар ҳам иқтисодий омиллар каби ўз таъсирини кўрсатган.

Модомики, иқтисодий ривожланиш ва ахоли турмуш фаровонлиги муҳим аҳамият касб этар экан, унга салбий таъсир қиласиган омилларни вақтида бартараф қилиш зарур. Жумладан, миллий бозорларда талаби кучли бўлган товарларнинг импортини кенгайтириш, экспортга товар чиқарувчиларнинг ташкилий ва молиявий жиҳатдан рағбатлантириш лозим. Натижада ички бозорларда эркин рақобат кучайиб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодиётларнинг юксалишига ва ўзаро интеграциялашувиининг чуқурлашувиiga замин бўлади.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти.
2. Ўзбекистонда иқтисодий интеграция тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари.
3. Ўзбекистонда иқтисодий интеграция жараёни билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2007. – 359 с.
2. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.
3. Внешнеэкономическая деятельность предприятие: Учебник. /под ред. Л.Е.Стровского. 4-е изд. перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2008. – 799 с.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар жаҳон иқтисодиётига таълуқли бўлган маълумотлар йиғиши ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаш; кузатишлар натижасида олинган маълумотларни тизимлаш ва қайта ишлаш; маълумотларни қайта ишлаш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш амалий кўникмалар ҳосил қиласидилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Глобаллашув даврида жаҳон хўжалигига интеграцион жараёнларни ривожлантириш шарт-шароитлари

Дарс шакли баҳс-мунозара. Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмун-моҳияти.
2. Глобаллашув жараёнида иқтисодий интеграциянинг ўрни ва аҳамияти.
3. Иқтисодий интеграциянинг содир бўлиш йўналишлари.

Калит сўзлар: интеграция, иқтисодий интеграция.

❖ Муҳокама учун саволлар

1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмун-моҳияти;
2. Глобаллашув жараёнида иқтисодий интеграциянинг ўрни ва аҳамияти.

Кучли томонлари	Заиф томонлари

1. Иқтисодий интеграциянинг содир бўлишининг қандай йўналишлари мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов Қ.Х., Аллаяров А.Л., Додобоев Ю.Т., Хасанжонов Қ.А. Марказий Осиё давлатларининг регионал иқтисодиёти. – Т.: “Turon-Iqbol” нашриёти, 2006. – 424 б.
2. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 2008. – 312 с.
3. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005. – 464 с.

2-амалий машғулот. Мамлакатлараро интеграцион ҳамкорлик ривожланишининг объектив омиллари ва босқичлари

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Мамлакатлараро интеграцион ҳамкорлик ривожланишининг объектив омиллари ва босқичлари.

Дарс шакли: Дебат усули. Муҳокама этиладиган масалалар ва кейс - стади.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари


Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва групта ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва групта ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва групта ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

❖ Мұхокама учун саволлар

1. Интеграцион жараёнларнинг таърифланиши.
2. Интеграцион груптар типологияси.
3. ТИФни давлатлараро тартибга солиниши.

Калит сўзлар: интеграцион жараёнлар, интеграцион груптар, трансмиллий компаниялар, ташқи иқтисодий фаолият.

1. ТМКлар халқаро капитал бозоридаги ўрни ва иштироки (“Балиқ скелети” техникаси орқали ёритиб беринг).



Фойдаланилган адабиётлар

1. Алчинов В.М. СНГ – Россия – Евросоюз. Проблемы и перспективы интеграции /В.М. Алчинов; Дипломат. акад. МИД России, Ин-т актуал. междунар. проблем. – М.: Восток – Запад, 2008. – 220 с.
2. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее /Т.: 2010. – 218 с.
3. Баринов В.А. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.

З-амалий машғулот. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви йўналишлари

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти.
2. Ўзбекистонда иқтисодий интеграция тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари.
3. Ўзбекистонда иқтисодий интеграция жараёни билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари.

Дарс шакли: Дебат усули.

❖ Муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг интеграцион салоҳияти (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. ФСМУ технологияси ёрдамида “Иқтисодий интеграциянинг Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига таъсири қандай?”(саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар асосида ечиш).

Йўналтирувчи услубий тавсиялар: ресурслардан самарали фойдаланиш, халқаро савдо, экспорт, импорт ва ҳ.к.

Савол	“Иқтисодий интеграциянинг Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига таъсири?”
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумлаштиринг	

ФСМУ технологияси қоидаси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда хамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахсланишга хамда шу билан бирга бахсланиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа холатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2007. – 359 с.
2. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.
3. Внешнеэкономическая деятельность предприятие: Учебник. /под ред. Л.Е.Стровского. 4-е изд. перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2008. – 799 с.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Philips компанияси майший техника ишлаб чиқариш заводларини сотмоқда

Philips electronics компанияси майший техника ишлаб чиқариш учун мүлжалланган бир нечта заводларини сотишни мулжалламокда. Бундан ташқари *Philips* видеомагнитофонларини ишлаб чиқариш хукуки Япониянинг *Funai Electric* корпорациясига берилади. Голландия компаниясининг бу қарори рақамли видеодисклар ишлаб чиқариш каби видео ёзиш соҳасининг жуда мукаммал ривожланиб кетиши билан изохланади. *Philips* нинг майший бўлим мудири Ги Демейнкнинг фикрига кўра *Funai Electric* билан хамкорлик компанияга дунёда етакчи ўринлардан бирини сақлаб қолишида қўл келади. Агар аввал Японияда *Philips* маркаси билан ишлаб чиқарилган видеомагнитофонлар АҚШ учун сотилган бўлса, энди бу маҳсулот Европа бозорини хам тўлдириши кўзда тутилган.

Июнь ойида Голландия компанияси раҳбарияти фойда келтирмаётганлиги сабабли мобил телефонлар ишлаб чиқариш хуқуқини Хитойдаги қўшма корхонага берилишини эълон килди. Харажатларни қисқартиришга йўналтирилган реструктуризация режаси ўз ичига оммавий равишда ходимлар штатларини қисқартиришни хам ўз ичига олади. Олдин 10 минг та ходимни ишдан бўшатиш режалаштирилган эди. Реструктуризация аввало майший техника соҳасидаги ходимларга қаратилади. Тахлилчилар фикрига кўра, компанияни бошқариш курси ва йўналиши олдиндан айтиш мумкин, чунки *Philips* компанияси майший техниканинг янги турларини ишлаб чиқаришга харакат қилмокда.

Топшириклар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг кайси тури тўғрисида гап кетмокда? Ким унинг субъекти хисобланади?
2. Ушбу холатни халқаро савдонинг кайси назарияси тўларок ва аникроқ еритади?

Германия иммигрантлар учун ўз эшикларини кенгроқ очишга харакат қилмокда

Берлинда яқинда ҳукумат комиссиясининг қарори эълон қилинди, унга кўра Германия давлати ҳар йили 50 мингга якин иммигрантларни қабул қилиши лозим, акс холда ишчи кучи етишмаслиги оғир муаммога айланиши мумкин. Экспертлар комиссияси мамлакатга чет элликлар келиши борасидаги муаммоларни ўрганиб чиқди. Бундан чиқарилган асосий хулоса шундан иборат бўлдики, ёш ва малакали мутахассислар Германияга келмайдиган бўлса, туғилиш кескин суръатлар билан камайиб бораётган бу пайтда иқтисодий тараққиёт ва юқори хаёт тарзи каби орзулар хом хаёллигича қолиб кетавериши мумкин.

Бунинг учун Германияга асосан уч турдаги иммигрантларни жалб қилиш керак бўлади. Нисбатан ёш ва 45 ёшгача бўлган малакали 20 мингта чет эллик мутахассислар Германияда чегараланмаган муддатда яшаш ва шу ерда ишлаш хукукини қўлга киритадилар. Бунинг учун номзодларни балли система ёрдамида синовдан ўтказилади. Нозодлар қанчалик ёш, малакали ва тажрибали булса уларга шунчалик кўп балл қўйилади. Чет тилларини, хусусан немис тилини билиш ва фарзандларнинг борлиги Германияга бориш имкониятини янада оширади. Иккинчи категорияда хам 20 мингта номзодлар сараланиб олинади. Бунга ҳозирги вақтда Германияда жуда камёб мутахассислик эгалари киритилади. Улар Германияда вақтинчалик яшаш ва ишлаш хукукини қўлга киритишади. Иммигрантларнинг учинчи категориясида мактабларнинг битирувчиларини жалб қилиш назарда тутилган. Улар Германияда профессионал техник маълумот олишлари мукин ва хохишига қўра Германияда доимий қолишлари мумкин. Шу билан бирга чет эллик олимларнинг Германияга келишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.

Давлат томонидан бериладиган ёрдамга чет элдан келиб Германияда уз ишини очмоқчи бўлганлар ишонишлари мумкин. Бу масалан, кимевий тозалаш корхонаси, автоустахона ёки ресторон ва хатто банк хам бўлиши мукин. Асосийси солиқларни ўз вақтида тулашдир.

Топшириклар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўғрисида гап кетмокда?
Ва қайси муаммони хал қилиш лозим?
2. Иммиграциянинг қайси кўринишлари ҳақида тўхтаб ўтилди?
3. Германия иммиграцион сиесатнинг қайси инструментларини ишлатмокда?
4. Германия иммигрантларини қабул қилиб қайси имкониятлага эга бўлади?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.

Мустақил иши – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иши - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўнимасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишнинг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2. Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзуу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хulosаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қўйидаги вазифаларни ҳал этишини назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўнимасини ҳосил қилиш;
- Танланган қасбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;
- Танланган мавзуу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хуроса ва таклифлар қилиш;
- Ёзма кўринишидаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўнималарни ривожлантиришdir.

“Жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун

топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
 - тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
 - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
 - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

2) Мустақил таълим мавзулари.

“Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор ё‘налишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzасида илгари сурилган иқтисодий масалалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишни таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қо‘шимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (ПФ-4848. 05.10.2016 й.) да тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масалалари.

3. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzасида илгари сурилган иқтисодий масалалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони (7 феврал 2017 й.) мақсади ва вазифалари.

5. Жаҳон иқтисодиётда Янги индустрiali давлатларнинг тутган ўрни.

6. Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари.

7. Жаҳон хўжалигида иқтисодий хавфсизлик муаммолари.

8. Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг тутган ўрни.

9. Жаҳон хўжалигида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш муаммолари.

10. Эркин иқтисодий ҳудудлар ва уларни ташкил этиш муаммолари.

11. Халқаро рақобат ва унинг замонавий шароитда юзага чиқиш хусусиятлари.

12. Замонавий жаҳон хўжалиги субъектлари ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётдаги ўрнини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.
13. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳияти.
14. Халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик.
15. Жаҳон иқтисодиётида озиқ-овқат муаммоси.
16. Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти.
17. Франсия Республикаси иқтисодиёти.
18. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги иқтисодиёти.
19. Италия Республикаси иқтисодиёти ва жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
20. Япония иқтисодиёти.

VII. ГЛОССАРИЙ

“Brain drain”	Утечка мозгов	“Aqlli kishilarning ketib qolishi”	- mamlakatning intellektual salohiyatli vakillarini chet elda ishga joylashish maqsadida chiqib ketishi.
Stock	Акция	Aksiya	– qimmatbaho qog‘oz, u hissadorlik jamiyatini rivojlantirishga mablag‘ sarflanganligi dalolati bo‘lib, uning egasiga hissadorlik jamiyati foydasining bir qismini dividend tariqasida olish huquqini beradi.
Association	Ассоциация	Assotsiatsiya	— xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning ixtiyoriy birlashmasi.
Employment	Занятость	Bandlik	– mehnatga layoqatli aholining ijtimoiy foydali mehnat bilan mashg‘ul bo‘lishi; fuqarolarning shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarini qondirish bilan bog‘liq bo‘lgan va qonunga zid kelmaydigan, mehnat daromadi beradigan faoliyati.
Bancrupt	Банкрот	Bankrot	-xo‘jalik sudi tomonidan e’tirof etilgan, qarzdorning pul majburiyatları bo‘yicha kruditorlar talablarini to’la xajmda qondirishga yoki majburiy to’lovlar bo‘yicha o’z majburiyatini bajarishga qodir emasligi.
The requirements of the Basel Committee	Требования Базельского комитета	Bazel qo’mitasi talablari	– bank tizimining barqaror amal qilishi hamda o’z majburiyatlarini bajara olishini ta’minlash uchun o’rnatilgan xalqaro me’yorlar majmui bo‘lib, u kapitalning etarilik

			darajasini, banklarni nazorat qilish jarayoniga hamda bozor intizomiga qo'yilgan talablarni ifodalaydi.
The Customs Union	таможенный союз	Bojxona ittifoqi	- ikki va undan ortiq davlatlarning bir-biriga va uchinchi mamlakatlarga nisbatan soddalashtirilgan tarif siyosatini o'tkazishidir.
customs tariff	таможенный тариф	Bojxona tarifi	- tovar oqimlarining chegarani kesib o'tishida davlat tomonidan olinadigan soliq miqdori ko'rsatilgan tartiblangan tovarlar ro'yxati
The market	Рынок	Bozor	– sotuvchilar va xaridorlar o'rtasidagi mahsulot sotish va xarid qilish bo'yicha erkin munosabatlar tizimi. Bozorlar o'z hududiy masshtabiga ko'ra lokal, milliy va xalqaro bozorlarga bo'linadi. Oldi-sotdi ob'ekti bo'lib, iste'mol tovarlari, resurslar, (mehnat, kapital, yer, tadbirkorlik qobiliyati, axborot) va xizmatlar hisoblanadi.
budget deficit	бюджетный дефицит	Byudjet defitsiti	– byudjet xarajatlarining byudjet daromadlaridan oshib ketishi natijasida vujudga kelgan taqchillik.
The income	Доход	Daromad	– tadbirkorlik yoki boshqa faoliyat natijasida pul yoki natura shaklida olinadigan mablag'lar.
State budget	госбюджет	Davlat byudjeti	- davlat daromadlari va sarflarining moliyaviy rejasi.
deflation	дефляция	Deflyatsiya	– inflyastiya davrida muomaladagi qog'oz pulni

			kamaytirish. Davlat tomonidan muomaladagi pul miqdorini kamaytirishga qaratilgan moliya va pul - kredit tadbirlarini qo'llash orqali amalga oshiriladi.
The demographic explosion	Демографический взрыв	Demografik portlash	- jahonning kam rivojlangan va kambagal mamlakatlarida nazorat kilib bo'lmaydigan darajada aholi sonining o'sishi.
diversify	диверсифицировать	Diversifikatsiya	– (lotinchadan versusus- har xil va facere-qilmoq, bajarmoq) – ishlab chiqarishning samaradorligini oshirish, mahsulot va xizmatlarni sotish bozorlarini kengaytirish maqsadida tarmoq va korxonalar faoliyat sohalarini kengaytirish, mahsulot va xizmatlar assortimentlarini ko'paytirish.
The dividend	Дивиденд	Dividend	– hissadorlik jamiyati foydasining (soliqlar to'lanib, barcha qarz beruvchilar bilan hisob-kitob qilinganidan keyingi) hissadorlar o'rtasida ular qo'lidagi aktsiyalarga mutanosib tarzda taqsimlanadigan qismi.
The export quota	экспортная квота	Eksport kvotasi	- mamlakat eksporti hiymatining unig yalpi ichki mahsuloti (YaIM)ga nisbati (foizlarda).
embargo	эмбарго	Embargo	- alohida mamlakat yoki davlatlar guruhi bilan savdoni butunlay ta'qilash.
free trade zone	Зона свободной	Erkin iqtisodiy	-mamlakat hududining xorijiy mamlakatlar tomonidan turli shakllardagi hamkorlikdagi

	торговли	hudud	tadbirkorlik bilan shug'ullanishlari uchun ruxsat etilgan qismi. Mazkur zonalarda maxsus imtiyozli shart-sharoitlar, jumladan, imtiyozli soliqlar, bojxona to'lovleri, ijara, viza olish, valyuta ayirboshlash, mehnatga yollashning qulay tartiblari belgilangan bo'ladi.
Stock market	фондовый рынок	Fond bozori	- qimmatli qog'ozlar va boshqa moliyaviy vositalarning oldisotdi jarayonlari amalga oshiriluvchi maxsus tashkillashtirilgan bozor.
franchising	франчайзинг	Franchayzing	- bir kompaniyaning boshqa yirikroq yoki bosh kompaniyaning savdo markasi, tovar belgisi va boshqa atributlaridan foydalanish.
GATT	ГАТТ	GATT	- Savdo va tariflar bo'yicha Bosh kelishuv - tashqi savdo operastiyalarini o'tkazishda belgilangan tamoyillarga amal qilishga rozi bo'lgan mamlakatlarni birlashtiruvchi savdo va tarif masalalari bo'yicha xalqaro akTayvan
immigration quota	иммиграционная квота	Immigratsion kvota	xorijiy fuqarolarning kirib kelishini davlat tomonidan miqdoriy cheklash.
The inflation rate	Уровень инфляции	Inflyatsiya darajasi	- ma'lum vaqt ichida (oy, yil) narxlar darajasining foizdagi o'zgarishi.
innovative technologies	инновационные технологии	Innovatsion texnologiyalar	- iqtisodiyotga yangiliklarni tatbiq etish bosqichlarida qo'llaniluvchi usul va vositalar majmui bo'lib, o'z ichiga joriy etish, trening, konsalting, transfert, audit, injiniring kabi

			turlarini oladi.
investment credit	инвестиционный кредит	Investitsion kreditlar	– ishlab chiqarishni kengaytirish, texnik va texnologik jihatdan yangilash, modernizastiyalash va rekonstruksiya qilish, yangi bino va inshootlarni qurish uchun zarur bo’lgan vositalar hamda qimmatli qog’ozlarni sotib olish maqsadida olingan uzoq muddatli kreditlar.
The investment	Инвестиция	Investitsiya	– bu iqtisodiy samara (foyda, daromad) olish yoki ijobiy ijtimoiy natijaga erishish uchun sarflanadigan pul mablag’lari, banklarga qo’ylgan omonatlar, paylar, qimmatli qog’ozlar (akstiya, obligasiyalar), texnologiyalar, mashinalar asbob-uskunalar, listenziyalar va samara beradigan boshqa har qanday boyliklardir.
инвестиционный климат	инвестиционный климат	Investitsiya muhiti	– investitsiyalar jozibadorligi hamda xavf-xatar darajasini belgilab beruvchi ijtimoiy-iqtisodiy, moliyaviy va siyosiy omillar majmui.
investor	инвестор	Investor	- xususiy va qarzga olingan mulkiy va intellektual qiymatlarni sarflash haqida qaror qabul qiluvchi investitsiya faoliyati sub’ektlari. Investorlar ob’ektlar va investitsiya natijalariga egalik qilish, foydalanish va tasarruf qilish huquqiga ega bo’ladi.
Economic activity	Экономическая деятельность	Iqtisodiy faoliyat	– cheklangan iqtisodiy resurslardan unumli foydalanib, kishilarning yashashi, kamol topishi uchun zarur bo’lgan hayotiy

			vositalarni ishlab chiqarish va iste'molchilarga etkazib berishga qaratilgan, bir-biri bilan bog'liqlikda amal qiladigan turli-tuman faoliyatlar majmui.
economic integration	экономическая интеграция	Iqtisodiy integratsiya	- hududiy miqyosda sifat jihatdan yangi iqtisodiy muhitni yaratish yo'li orqali milliy xo'jalik komplekslarini o'zaro yaqinlash va bir-biriga kirib borishi jarayoni.
economic alliance	экономический союз	Iqtisodiy ittifoq	- iqtisodiy integratsiyaning oliv ko'rinishi, u umumiy huquqiy me'yorlar, soliq bazasini soddalashtirilishi, ishlab chiqarish va ijtimoiy sohalarda yagona standartlarni joriy etish, yagona valyutaga o'tish kabilar bilan tavsiflanadi.
Economic growth	Экономический рост	Iqtisodiy o'sish	– mamlakat miqyosida yalpi ichki mahsulotning aholi jon boshiga yildan-yilga barqaror o'sib borish jarayoni.
Economic resources	Экономические ресурсы	Iqtisodiy resurslar	– tovar ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish jarayonlarida foydalanish mumkin bo'lgan barcha vosita va imkoniyatlar majmui.
Economy	Экономика	Iqtisodiyot	– mulkchilikning turli shakllariga asoslangan xo'jaliklardan, xo'jaliklararo, davlatlararo birlashmalar, korporatsiyalar, konsernlar, qo'shma korxonalar, moliya va bank tizimlaridan, davlatlar o'rtasidagi turli iqtisodiy munosabatlardan iborat o'ta murakkab ijtimoiy tizim.

Manufacture	Производство	Ishlab chiqarish	- biznes korxonalarining asosiy faoliyat turi bo'lib, bu jarayon cheklangan resurslardan foydalangan holda amalga oshiriladi.
The World Bank	Всемирный банк	Jahon banki	- 1944 yilda Xalqaro valyuta jamg'armasi bilan bir vaqtida tuzilgan birinchi davlatlararo investitsiya institutidir. Bank o'zining faoliyatini 1946 yil 25 iyundan boshlagan.
World market	мировой рынок	Jahon bozori	- moddiylashtirilgan va moddiylashtirilmagan ko'rinishidagi ijtimoiy mahsulotni ishlab chikarish, taqsimlash, ayirboshlash va iste'mol boskichlarni o'z ichiga oluvchi XIM sub'ektlari (milliy va hududiy iqtisodiyotlar, xalqaro tashkilotlar va korporatsiyalar)ning o'zaro iqtisodiy ta'sirlashish global muhitidir.
World market conditions	Конъюнктура мирового рынка	Jahon bozori kon'yunkturas i	-jahon tovar bozorlaridagi sotish sharti, ushbu bozorlardagi talab, taklif, narxlar darajasi, ularning o'zgarish tendensiyalari.
World Market Workers Labor	Мировые рынок рабочие труда	Jahon ishchi kuchi bozori	- milliy xo'jalik tizimlari va jahon iqtisodiyoti doirasida ishlab chiqaruvchi kuchlarning darajasi, tabiatи va joylashuviga sezilarli ta'sir etuvchi iqtisodiy faol aholining mamlakatlar va hududlar o'rtasida jami migrastion aylanmasi.
The World Trade	Всемирная торговая	Butunjahon savdo	- xalqaro savdoni institustional va xuquqiy asosini tashkil

Organization	организация	tashkiloti	etuvchi mustaqil davlatlararo tashkiloTayvan
cartel	картель	Kartel	- tashqi savdo assostiastiysi (uning a'zolari alohida tovar guruhlari bo'yicha ishlab chiqarish va narx siyosatini muvofiqlashtirib olishadi).
Group of twenty	Большая двадцатка	Katta yigirmatalik	– 20 ta yirik mamlakatlar guruhi bo'lib, unga jahondagi eng boy mamlakatlar va yirik rivojlanayotgan davlatlar kiradi va ular xissasiga jahon yalpi ichki mahsulotining 90 foiz ulushi to'g'ri keladi.
Conjuncture	Конъюнктура	Kon'yunktura	– bozor mexanizmi sharoitlarida rivojlanishning qonuniyatli shakllari davlat tomonidan tartibga solinishi va raqobatning, iste'molchilar, korporatsiyalar hamda davlat muassasalari va korxonalari tomonidan qaror qabul qilishdagi mutaqillikning muvozanati bilan belgilanuvchi jarayonlar: muayyan iqtisodiy faoliyat omillari va shart-sharoitlari yig'indisi.
Concern	Концерн	Kontsern	– ma'lum bir turdag'i vazifalarni bajarish uchun vaqtincha tuzilgan ilmiy-texnikaviy, investitsion tarkibiy, moliyaviy va tashqi iqtisodiy siyosatni hamda tegishli resurslarni markazlashtiruvchi korxonalar birlashmasi.
Cooperative ties	Кооперативные связи	Kooperatsiya aloqalari	– turli soha ishlab chiqarish tarmoqlarida ma'lum mahsulotni tayyorlash bo'yicha

			uzoq muddatli aloqalarni o'rnatish.
Corporation	Корпорация	Korporatsiya	– hissadorlik jamiyati yoki hissadorlik birlashmasi ko‘rinishidagi huquqiy shaxs shakli. U chiqarilgan aktsiyalar qiymati bilan cheklangan majburiyatlar bo‘yicha mas’uliyatli bo‘ladi, o‘z nomidan tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlarni bajarish, kontraktlar tuzish, qarz olish yoki berish, boshqa har qanday fuqarolik harakatlarini amalga oshirish huquqiga ega.
The credit	Кредит	Kredit	– qarz mablag‘ining harakat shakli. Qaytarish va to‘lov (foizni to‘lash) shartlari bilan beriladigan pul yoki tovar shaklidagi qarz kredit beruvchi bilan qarz oluvchining iqtisodiy munosabatlarni ifodalaydi. Kreditning tijorat, davlat, bank, iste’mol, xalqaro shakllari mavjud.
labor market	рынок труда	Mehnat bozori	-mehnatga qobiliyatli aholining ish bilan band bo‘lgan va band bo‘lmagan qismlari va ish beruvchilar o’rtasidagi munosabatlarni hamda ularning shaxsiy manfaatlarini hisobga oluvchi shartnomalar asosida ishchi kuchi xarid qilish - sotishni amalga oshiruvchi, shuningdek, unga bo‘lgan talab va taklif o’rtasidagi nisbatlarni bevosita tartibga soluvchi, bozor iqtisodiyotining murakkab, ko‘p aspektli, o’suvchi va

			ochiq ijtimoiy-iqtisodiy tizimchasidir.
modernization	модернизация	Modernizatsiya	-ob'ektni takomillashtirish, yaxshilash, yangilash, uni yangi talab va me'yorlarga, texnik shart-sharoitlarga, sifat ko'rsatkichlariga moslashtirish.
The financial market	Финансовый рынок	Moliya bozori	- moliya mablag'larini vaqtincha haq to'lab ishlatish yoki ularni sotib olish yuzasidan bo'lgan munosabatlardir.
Financial and banking system	Финансовая и банковская система	Moliya-bank tizimi	-tarixan shakllangan va belgilangan qonun qoidalar asosida faoliyati yurituvchi mamlakatdagi moliya-kredit muassasalari majmuidir.
preferences	Предпочтения	Preferensiya	- iqtisodiyotni maqsadga muvofiq rivojlantirish va tartibga solishda ayrim soha va tarmoqlar, korxona va ishlab chiqarish turlariga nisbatan beriluvchi imtiyoz, afzallik va ustuvorliklar.
protectionism	протекционизм	Proteksionizm	- davlatning xorij raqobatidan ichki bozorni himoya qilish siyosati, mamalakatga olib kelinayotgan tovarlarga yuqori bojlar belgilaydi, ayrim tovarlarni olib kelish cheklanadi yoki umuman taqiqlanadi.
Monetary and Credit Policy	Денежно-кредитная политика	Pul - kredit siyosati	- davlat tomonidan iqtisodiy o'sishni ta'minlash maqsadida pul muomalasini tashkil etish va barqarorligini ta'minlash uchun amalga oshiriladigan barcha chora-tadbirlar majmui.
external debt	внешний долг	Tashqi qarz	- mamlakat hukumati, moliya-kredit tashkilotlari, yirik korxonalarining boshqa mamlakatlar moliya-kredit muassasalaridan qarzga olgan moliyaviy mablag'larining

			jami hajmi.
Foreign trade	внешнеторговый	Tashqi savdo	– bir mamlakatning boshqa mamlakatlar bilan savdosi.
Foreign Trade Policy	Политика внешней торговли	Tashqi savdo siyosati	– bir mamlakatni boshqa mamlakatlar bilan olib borayotgan savdosi (eksporti va importi) borasidagi siyosati.
Technology	Технология	Texnologiya	– tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatish to‘g‘risidagi amaliy bilimlar.
Direct investments	Прямые инвестиции	To‘g’ridan-to‘g’ri investitsiyalar	- foyda olish bilan birlgilikda kapital ko‘yilayotgan ob’ekt ustidan nazoratni ta’minlash xuquqini beruvchi kapital qo‘yilmalari.
balance of payment	Платежный баланс	To’lov balansi	-muayyan muddat davomida mamlakatning xorijiy davlatlarga to’lagan va xuddi shu davr mobaynida mamlakatga xorijiy davlatlardan tushgan to’lovlar summalari nisbatini tavsiflaydi. To’lov turkumiga tashqi qarz, uning foizi, chetdan olingan tovarlar va xizmatlar haqi, xorijiy investitsiyalar, xorijda diplomatik ishlarni, iqtisodiy aloqalarni yuritish xarakatlari, fuqarolar va qo’shma korxonalarning chet elga pul o’tkazmalari va boshqalar kiradi.
The total market	общий рынок	Umumiyoq bozor	- ishlab chiqarish omillarini milliy chegaralar orqali erkin ko‘chib o’tishi ta’minlanadigan iqtisodiy integratsiya ko’rinishi.
currency	валюта	Valyuta	- ma’lum bir davlatning qonun

			bilan o'rnatilgan pul vositasi (milliy valyuta), bir yoki bir necha etakchi mamlakatlarning valyutasi ko'rinishidagi jahon rezerv pullari
International cooperation	международное кооперация	Xalqaro kooperatsiyasi	- ishlab chiqarish bosqichlarining o'zaro bir-birini to'ldirishi va ularni muvofiqlashtirish maqsadida milliy iqtisodiy komplekslarning xamkorlik qilishi.
International Economic Relations	Международные экономические отношения	Xalqaro iqtisodiy munosabatlar	-mamlakatlar va hududlar o'rtasidagi, xalqaro tashkilotlar va korporatsiyalar ishtirokidagi xo'jalik aloqalari tizimi.
		Xalqaro ishlab chiqarishning ixtisoslashuvi	-mamlakatlar o'rtasidagi mexnat taqsimoti ko'rinishi bo'lib, unda o'zlarining ichki extiyojlaridan ortiqcha bir turdag'i maxsulotlar tayyorlash bilan shugullanuvchi milliy ishlab chiqarishlarning tabaqalanishi yuz beradi.
international organizations	международные организации	Xalqaro tashkilotlar	-ularning har biri xalqaro siyosatda o'zlarining faoliyat maqsadlari yo'nalishlariga qarab, yer yuzi taraqqiyotida egallab turgan mavqelariga qarab, umuman xalqaro siyosiy-amaliy munosabatlar jarayonida harakatlarga kirishadigan boshqa xalqaro tashkilotlar tizimidagi maqomlariga qarab ahamiyat kasb etadilar.
international transit	международный транзит	Xalqaro tranzit	-xorijiy yuklarni jo'natish va qabul qilib olish punktlari berilgan mamlakat hududidan

			tashqarida bo'lishi shartida tashilishidir. Agar tovarlar bojxona omboriga joylashtirilmasdan tashilsa bevosita xalqaro tranzit, bojxona omboridan foydalanilsa – bilvosita xalqaro tranzit hisoblanadi.
International Monetary Fund (IMF)	Международный валютный фонд (МВФ)	Xalqaro valyuta jamg'armasi	– xalqaro savdo va valyuta hamkorligini rivojlantirishga ta'sir ko'rsatish maqsadida 1944 yilda tashkil etilgan xalqaro valyuta-moliya tashkiloti. Xalqaro valyuta jamg'aramasi – a'zo davlatlar o'rtasida valyuta-kredit munosabatlarini tartibga solib turish va ularga to'lov balansining kamomadi bilan bog'liq valyutaviy qiyinchiliklar paytida chet el valyutasida qisqa va uzoq muddatli kreditlar berish yo'li bilan moliyaviy yordam ko'rsatish uchun mo'ljallangan hukumatlararo tashkiloTayvan
Service sector	сектор услуг	Xizmat ko'rsatish sohasi	– ijtimoiy ishlab chiqarishning moddiy-buyumlashgan ko'rinishga ega bo'lмаган iste'mol qiymatlarini yaratishga yo'naltirilgan sohalari. U o'z ichiga moddiy xizmatlar ko'rsatish (transport, aloqa, savdo, maishiy xizmat va boshqalar) hamda nomoddiy xizmatlar ko'rsatish (huquqiy maslahatlar berish, o'qitish, malaka oshirish va boshqalar)ni oladi.

Gross domestic product	Валовой внутренний продукт	Yalpi ichki mahsulot	-mamlakatda bir yil davomida ishlab chiqarilgan jami pirovard mahsulot va xizmatlarning bozor qiymati
New industrial countries	Новые индустриальные страны	Yangi industrial mamlakatlar	- iqtisodiy jixatdan eng tez rivojlanayotgan Osiyo, Afrika va Lotin Amerikasidagi davlatlar guruhi.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008 - 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистан мустақилликка эришиш остонасида. —Т.: “Ўзбекистан”, 2011 .-440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.-302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Узбекистан давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳдил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: “Ўзбекистон”. - 2017 - 1026.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 488 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Абдурахмонов Қ.Х., Аллаяров А.Л., Додобоев Ю.Т., Хасанжонов Қ.А. Марказий Осиё давлатларининг регионал иқтисодиёти. – Т.: “Turon-Iqbol” нашриёти, 2006. – 424 б.

2. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Информационно-внедрический центр «Маркетинг», 2008. – 312 с.

3. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарқ», 2005. – 464 с.

4. Алчинов В.М. СНГ – Россия – Евросоюз. Проблемы и перспективы интеграции /В.М. Алчинов; Дипломат. акад. МИД России, Ин-т актуал. междунар. проблем. – М.: Восток – Запад, 2008. – 220 с.

5. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее /Т.: 2010. – 218 с.

6. Баринов В.А. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.

7. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2007. – 359 с.

8. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.

9. Внешнеэкономическая деятельность предприятия: Учебник. /под ред. Л.Е.Стровского. 4-е изд. перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2008. – 799 с.

10. Вахабов А.В. и другие; ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок /под ред. С.Ф. Сутырина. – М.: Эксмо, 2008. – 400 с.

11. Динкевич А.И., Швыдко В. Г. Страны Центральной Азии - новая фаза переходного периода / Ин-т востоковедения РАН. - М., 2005. - 174 с.

12. Дюмулен И.И. Всемирная торговая организация. Экономика, политика, право. - М.: ВАВТ, 2008. - 347 с.

13. Евразийская стратегия суверенного Казахстана / Под ред. Б.К.Султанова. – Алматы: КИСИ, 2005. – 342 с.

14. Иванов Э.М. Экономические отношения России со странами Центральной Азии / Под ред. Е.М. Кожокина; Рос. ин-т стратег. исслед. - М., 2006. - 127 с.

15. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. /Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 715 с.

16. Портер М., Такеути Х., Сакакибара М. Японская экономическая модель: Может ли Япония конкурировать?. /Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 262 с.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.gov.uz — Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
2. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.uza.uz — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги
4. www.ifmr.uz - Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти
5. www.ziyonet.uz - Ziyonet таълим портали
6. www.economics.ru — “Экономическая газета” газетасининг расмий сайти